

*Биз бугун эркин фикрлайдиган, онгли яшайдиган, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси тобора ўсиб бораётган, ўз келажагини, ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини ўзига аниқ тасаввур этаётган халқмиз.*


**Inson manfaatlari — oliy qadriyat**

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA · info@adolatgzt.uz · www.adolatgzt.uz · www.adolat.uz · № 35-36 (945) · 2013-yil, 1-sentabr, yakshanba


## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун мамлакатимиз, бутун халқимиз асрлар давомида орзиқиб, интилиб кутган, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган Мустақиллик кунининг йигирма икки йиллигини баланд руҳ ва шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Ана шу буюк айём билан, ҳақиқатан ҳам барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам билан сиз, қадрли юртдошларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклашдан бахтиёрман.

Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз аввало ҳуқуқ деб қабул қиламиз. Мустақилликка эришиш — бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, биз қандай улуғ тарих, маданият ва маънавиятга эга эканимизни, ўзлигимизни чуқур англаб, беқиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир.

Мустақиллик — бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳолимизнинг фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб даражага кўтаришдир.

Шу билан бирга, эртанги кунимизни янада юксалтиришга мустаҳкам замин яратиш, биз бошлаган буюк ишларни давом эттиришга қурби-қудрати етадиган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан ҳаётга кириб келаётган етук ва баркамол, мустақил фикрлайдиган янги авлодни камол топтириш демакдир.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларни амалга оширишда ўтган йигирма икки йил давомида эришган ва жаҳон тан олган ютуқ ва марралар — миллий демократик давлат қуриш, иқтисодиётимизни янги асосда ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг кўламли ишларимизни, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини кўз ўнгимиздан ўтказадиган бўлсак, **қани, айтинг, азиз дўстларим, қадрдонларим, истиқлолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинмиди?**

**Бунга жавоб битта: Йўқ ва асло йўқ.**

Фақатгина мустақиллик ва яна бир бор мустақиллик бу йўлда тоғдек мустаҳкам асос ва қудратли замин бўлди.

Барчани ҳайратда қолдираётган бундай улкан ўзгаришларни сарҳисоб қилишда табиий бир саволга мурожаат қилсак ўринли бўлади: яъни, **биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?**

Кеча Ўзбекистонимиз ўта оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобида қолиб кетгани, қолоқ, фақатгина пахта хомашёси етиштирадиган минтақага айланиб қолгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва социал аҳволи қандай аянчли ҳолатда бўлгани ва буларнинг барчаси республикамизни жар ёқасига олиб келгани, ўйлайманки, ҳали-бери кўпчилик юртдошларимизнинг ёдидан чиққан эмас.

Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда ўзини ўзи боқишга қурби етмаган ночор ўлкадан ўз кучи ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, ўзининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, бугун изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил ва суверен давлатга айлангани барчамизга ғурур-ифтихор бағишламоқда ва аксарият халқаро кузатувчиларнинг ҳавасини тортмоқда.

Эл-юртимиз қандай катта ютуқ ва марраларга эришганининг тасдиғини англаш учун охирги йиллар давомида биз қўлга киритган натижаларни, Ватанимизнинг бугунги салоҳияти ва ўсиш суръатларини ўзида яққол ифода этадиган кўрсаткичларга эътибор қаратишни ўринли деб биламан.

Бугунги кунда 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 карра ўсгани, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайгани ва охирги олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ўсиши 8 фоиздан ошиб келаётгани — буларнинг барчаси дунё миқёсида камдан-кам учраётган рақамлар, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Истиқлол йилларида ёқилғи-энергетика, ғалла мустақиллигига, ўзимизни энг зарур истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз, энг муҳими, юртимизда аҳоли саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимиздан ва халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб бораётганидан далолат беради.

Вақт ўтиши билан биз танлаган, чуқур ўйланган демократик ислоҳотлар, дунёда "ўзбек модели" деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканига, халқимизнинг манфаатига тўла жавоб бераётганига яна ва яна бир бор иқрор бўлмоқдамиз.

Биз эришган ютуқ ва марраларнинг асосий омили ҳақида гапирганда, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин — биз бугун ўзимизнинг дунёқарашимиз, онгу тафаккуримиз, ҳаётга, меҳнатга, ён-атрофга муносабатимиз билан кечаги — 90-йиллардаги одамлар эмасмиз.

Биз бугун эркин фикрлайдиган, онгли яшайдиган, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси тобора ўсиб бораётган, ўз келажагини, ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини ўзига аниқ тасаввур этаётган халқмиз.

Биз бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилишдек олий мақсадни ўз олдимизга қўйдик ва **бу йўлдан бизни ҳеч қандай куч қайтара олмайди.**

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда турли минтақаларда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва қонли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётганини кўриб, кузатиб, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, ҳушёрлик ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.

Биз энг катта бойлигимиз бўлмиш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўрамиз.

Шу маънода, халқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айланиб кетган "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган эзгу даъватни амалга ошириш ҳаммамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлишини истардим.

Муҳтарам дўстлар!

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун бизнинг байрам қувончимизга шерик бўлаётган юртимиздаги хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча ҳурматли меҳмонларимизга самимий ва эзгу тилакларимизни изҳор этишга, уларнинг барчасига сиҳат-саломатлик ва ишларида янги омадлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мана шу унутилмас дамларда кўпни кўрган, не-не синов ва қийинчиликларда тобланган, кўп асрлик тарихимизда ўчмас из қолдириб, Ўзбекистонимизнинг бугунги ва эртанги кунини бунёд этишда фидоийлик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга беқиёс ҳурматимни билдириб, бош эгиб таъзим қилишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб ўтирган, суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ўғил-қизларимизга, менинг фарзандларимга қарата айтмоқчиман: биз ўз олдимизга қўйган келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман.

Мен қаерда, қандай йиғилиш, қандай анжуман бўлмасин, сиз, навқирон ёшларимизнинг вакиллари билан учрашганда, сизларнинг ёниб турган кўзларингизни, куч-ғайратга тўлган қадди-қоматингизни кўрганда қалбимда беихтиёр катта ғурур ва ифтихор пайдо бўлади. Мен сизларнинг барчангизни ҳақиқатдан ҳам яхши кўраман, сизлар учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун бутун борлиғимни бағишлашга ҳам тайёрман.

Маррани доимо баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!

Муҳтарам ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ватанимизни, халқимизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асрасин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



## Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди**

2 ➢

## Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 август куни Оқсаройда мамлакатимизга ташриф буюрган Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатаси аъзолари Эни Фалеомаваега ва Жеймс Патрик Моранни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уларнинг Мустақиллик байрами нишонланаётган кунларда келгани мамлакатимиз тўғрисида, ўзбек халқининг бой маданияти, маънавий ва тарихий мероси ҳамда анъаналари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш имконини беришини таъкидлади.

"Парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси" мавзусидаги халқаро конференцияда АҚШдан нуфузли делегация иштирок этгани ўзаро ҳамкорлик кенгайиб бораётганидан яна бир далолат бўлди.

Қайд этилганидек, ривожланиб бораётган парламентлараро алоқалар Ўзбекистон-АҚШ мулоқотининг муҳим йўналишларидан биридир.

Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликка доир кенг кўламли масалалар, айрим минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Учрашувда илғор АҚШ технологияларини жалб қилган ҳолда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани таъкидланди.

Конгрессменлар Ўзбекистон Президентини мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги билан самимий муборакбод этдилар, Самарқандда "Шарқ тароналари" IX халқаро мусиқа фестивали муваффақиятли ўтказилгани билан қутладилар.

Эни Фалеомаваега ва Жеймс Моран самимий қабул ва икки томон учун муҳим масалаларни муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, АҚШда Ўзбекистон билан барча соҳаларда ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга қизиқиш ортиб бораётганини таъкидладилар.

**ЎзА**



## Аждодлар хотираси муқаддас

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг пок номларини тиклаш, руҳларини шод, қадамжоларини обод этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Собиқ мустабид тузум даврида халқимизнинг юзлаб асл фарзандлари ном-нишонсиз кўмиб ташланган Тошкент шаҳрининг Бўзсув соҳилидаги қаровсиз жой давлатимиз раҳбари ташаббуси билан обод зиёратгоҳга айлантирилди. 2000 йилда бу ерда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. Мажмуа таркибида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ташкил қилинди. 31 августни Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонлаш эзгу анъанага айланди.

Ушбу анъанага кўра 31 август тонгида "Шаҳидлар хотираси" хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни ёд этиш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

3 ➢

Сиёсат

# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Давоми. Боши 1-бетда

Мустақиллик тухфа қилинмайди. Жасорат ва матонат билан қўлга киритилади. Мустақиллик кунини халқимиз энг улуғ, энг азиз айём, деб билади. Бу шонли санани катта шоду хуррамлик билан байрам қилади.

Бугун Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

2013 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, унга туташ майдон ва хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамона безатилган. Мусаффо осмон, гулгун шафақ, ранго-ранг байроқлар атрофга ажиб тароват бахш этган. Кўчаларни тўлдирган одамлар чироқлар нуридан шуълаланаётган муаззам майдон томон ошиқади.

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари ташриф буюрган.

Соат 19.00. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси ижро этилади.

Майдонга ўрнатилган йирик мониторларда Президентимизнинг 1991 йил 31 август куни парламент минбарида нутқ сўзлаётган сиймоси намоён бўлади. Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилади.

Бу сўзлар ҳуррриятпарвар аждодларимизнинг асрий орзусини, халқимизнинг ўзига муносиб ҳурмати ва ҳуқуқини рўёбга чиқарди.

Бу йил энг улуғ, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб **"Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!"** деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда. Бу шиорда истиқлолнинг мазмун-моҳияти, мустақиллик туфайли ҳис этганимиз инжа туйғулар ўз аксини топган.

Истиқлол йилларида халқимизнинг турмуш даражаси муттасил юксалиб бормоқда. Бу аҳоли даромадларининг изчил ўсаётгани, одамларнинг шахсий уй-жой ва сифатли истеъмол товарлари билан таъминланаётгани, яшаш учун зарур инфратузилманинг кенгайиб бораётганида намоён бўлаётир. Бугун юртимиздаги оилаларнинг 97 фоизи ўз уйига, ҳар уч оиладан бири шахсий автомобилига эга. Аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган.

Мамлакатимиз ижтимоий фаровонлик, жумладан, умр кўриш давомийлиги, оилаларнинг тинчлиги ва осойишталиги, ишсизлик даражасининг пастлиги бўйича жаҳон ҳамжамиятида кўплар ҳавас қиладиган юксак ўринларни эгаллаб турибди.

...Даврага болалар чиқиб келади. Уларнинг шўх-шодон кулгулари, қувноқ рақс ва қўшиқларидан диллар яйрайди.

Истиқлол йилларида ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ узлуксиз таълимнинг ноёб механизми яратилди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида, чекка-чекка қишлоқларда ҳам замонавий касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди. Янги университет, институт ва академиялар ташкил этилиб, энг ноёб мутахассисликлар бўйича ҳам кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бунинг самарасида барча соҳаларда кадрларга бўлган эҳтиёж таъминланмоқда. Бугун умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимидан иборат барча босқичларда замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, чет тилларида эркин сўзлашадиган, жисмонан чиниққан, эътиқоди мустаҳкам авлод вояга етмоқда.

Ёшларимиз энг нуфузли халқаро танловларда, Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботламоқда. Жорий йилда мамлакатимиз ўқувчилари кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадасида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.









Ⓕ С.Ўрмонов, А.Абдуллаев (ЎзА)

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси асосида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган замонавий скрининг марказлари, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Репродуктив саломатлик маркази, уларнинг минтақавий филиалларида оналар ва чақалоқларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришнинг асосий воситаси сифатида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз томонидан асос солинган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти умуммиллий ҳаракатга айланди. Айни пайтда бу жараён таълим-тарбия тизими билан мутаносиб равишда олиб борилаётгани ёшларимизни ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан уйғун ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, одамлар эркин нафас оладиган жамият барпо этилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият экани мустаҳкамлаб қўйилди. Бунинг ҳаётий ифодасини мамлакатимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оиланинг орзу-интилишлари рўёбга чиқаётганида, одамларнинг дунёқараши, ҳаётга ва меҳнатга муносабати юксалиб бораётганида яққол кўриш мумкин.

Бугун Ўзбекистон 130 дан ортиқ давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Тошкентда 45 мамлакатнинг элчихонаси, йигирмага яқин халқаро ташкилот ва молиявий муассаса ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Хорижий давлатларда, халқаро ташкилотлар ҳузурида Ўзбекистоннинг 46 дипломатик ва консуллик ваколатхоналари очилган. Мамлакатимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ, Ислом конференцияси ташкилоти каби нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмаларга аъзо.

Ўзбекистон халқаро муносабатларда асосли ва эзгу ташаббуслари билан жаҳон оммаси ҳурматини қозонмоқда. Дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, гуманитар-маданий ҳамкорликни ривожлантириш, экологик муаммоларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлари самарасида мамлакатимизнинг жаҳон сиёсат майдонидаги обрў-эътибори ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

"Бу Ватан сенингдир". Қалбларга ҳаяжон солувчи, Ватанга дахлдорлик туйғуларини уйғотувчи ушбу қўшиқ садолари остида майдонга озодлигимиз ва тинчлигимизнинг мустаҳкам қалқонлари бўлган ҳарбийларимиз кириб келади.

Эл-юртимиз осойишталиги, мамлакатимиз хавфсизлиги ишончли қўлларда. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида замонавий Қуролли Кучларни шакллантириш, унинг қудрати ва салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар бунда муҳим омил бўлаётир.

Тинчлик — тараққиёт ва фаровонликнинг энг муҳим омили. Мамлакатимизда ана шу омилнинг доим барқарорлиги туфайли барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришилмоқда. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели"нинг изчил амалга оширилаётгани самарасида мамлакатимиз иқтисодиёти 3,5 баробардан зиёд ўсди.

Бундай юксак натижаларга эришишда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар муҳим омил бўлмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолини сифатли товарлар билан таъминлаш, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни кўпайтириш, замонавий хизмат кўрсатиш, янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромади ҳамда фаровонлигини оширишда етакчи кучга айланиб бораётир.

Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бу 2012 йил 14 сентябрда пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам алоҳида эътироф этилди.

Қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шакллари жорий этилгани, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани, энг муҳими, меҳнатга муносабатнинг ўзгаргани самарасида Ўзбекистон қисқа вақтда ғалла мустақиллигига эришди.

Жорий мавсумда деҳқонларимиз 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этди. Бу рақамни 90-йиллардаги ҳолат билан қиёслаганда ҳосилдорлик 3 карради кўпроқ ошгани, умумий ҳосил 7 баробардан зиёд кўпайгани аён бўлади. Мустақилликкача дон ва ун таъминоти бўйича бошқаларга қарам бўлиб келган халқимиз айни пайтда ўз эҳтиёжини таъминлаш билан бирга хорижий давлатларга дон экспорт қилмоқда.

Янги боғлар, токзорлар барпо этилаётгани, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик каби тармоқлар ривожланаётгани натижасида бозорларимиз тўкин, дастурхонимиз файзли, баракали. Сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева, узум етиштириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми изчил ўсиб бораётир.

...Оҳанглари эзгулик нишоналари бўлиб, байрам саҳнасида мумтоз санъатимиз дурдоналари янграйди...

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ўз тарихи, анъаналари ва қадриятларига эга бўлган ва уни қадрлаган миллат теран илдизларидан қувват олади, юксалади, тараққий этади.

Истиқлол йиллари Ватанимиз учун маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлди. Аждодларимиз томонидан яратилган бой маънавий-маданий меросимиз тикланди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий сингари улуғ боболаримизнинг юбилейлари кенг нишонланди. Имом Бухорий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк уламоларимиз, азиз-авлиёларимиз хоки-поклари обод, руҳлари шод этилди.

Тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган шаҳарларимиз юбилейини халқаро миқёсда нишонлаш анъана тусини олди. Самарқанд, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Тошкент, Марғилон сингари қадим ва муаззам шаҳарларимизнинг тўйларини нишонлаш асносида тарихимизни янада теран ўргандик, шаҳарсозлигимиз, маданиятимиз илдизларини чуқур тадқиқ этдик, шундай улуғ аждодлар ворислари эканимиздан чексиз фахру ифтихор туйдик. Халқимиз даҳосининг бой маданий-маънавий қадриятларидан саналган "Авесто"нинг 2700 йиллиги, "Алпомиш"нинг 1000 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги катта байрамга айланди.

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали ана шу бой маънавий меросимизни кенг тарғиб этиш, санъатнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётир.

«Art Week Style.uz» санъат ҳафталиги ҳам ўзига хос маданият ва санъат байрамига айланди. Ҳафталик доирасида ўтказилаётган «Олтин Гепард» халқаро Тошкент кинофоруми, «Theatre.UZ» халқаро театр фестивали, Халқаро Тошкент фотобиенналеси каби йирик лойиҳаларда мусиқа, кино, театр, фотография, тасвирий санъат, дизайнерлик, мода, меъморлик каби кўплаб соҳа ва йўналишлардаги ютуқлар намойиш этилмоқда.

Президентимиз таклифига биноан 2013 йил мамлакатимизда Обод турмуш йили, деб эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси асосида пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида бунёд этилган кўпқаватли замонавий уйлар фойдаланишга топширилди. Бу шаҳарнинг меъморий қиёфасини янгилаб, бошқа иншоотлар билан уйғунлик касб этди. Пойтахтимизни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида режали ривожлантиришга қаратилган бундай изчил ишлар самарасида Тошкент дунёдаги экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфага эга етакчи пойтахт шаҳарлар қаторидан жой олди. 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида қайд этилгани бунинг далилидир.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш, намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ аҳоли пунктларини обод этиш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган эътибор самарасида шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги тафовут камайиб бормоқда.

Шу йилнинг 17 апрель куни пойтахтимизда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференцияда бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

2009-2012 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 23,6 минг замонавий уй-жой, уларга мос инфратузилма барпо этилди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида 10 мингта якка тартибдаги замонавий уй-жой барпо этилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида кўплаб ана шундай уйлар ўз эгаларига топширилди.

Бундай имкониятлар оилаларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, аввало, уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга хизмат қилмоқда. Аёлларимиз рўзғор ташвишларидан ортиб, ўз қизиқиш ва интилишларини рўёбга чиқармоқда. Фарзандларини соғлом ва баркамол этиб вояга етказмоқда.

Бугунги кунда иқтисодий-ижтимоий соҳаларда меҳнат қилаётганларнинг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган хотин-қизлар мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Биз бахтли авлодмиз — шундай бир улуғ тарихий даврда яшаяпмиз, — дейди байрам тантаналарида иштирок этган Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси Муфассалхон Пўлатова. — Ота-боболаримизга армон бўлган, мамлакатимиз тарихида янги даврни бошлаб берган мустақилликни кўриш бизга насиб этди. Истиқлолимизнинг ҳар бир йили улкан ўзгаришлар, тарихий воқеаларга бой бўлаётир. Юртбошимиз раҳнамолигида эришилаётган бундай улкан ютуқлар мана шу тантаналар шукуҳида, юртдошларимизнинг очиқ чеҳрасида ҳам яққол кўриниб турибди.

— Ўзбекистон мустақиллиги байрамида иккинчи марта иштирок этаётганимдан мамнунман, — дейди Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чжан Сяо. — Байрам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик юртингиздаги тўкинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаёт ифодасидир. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон ҳар томонлама жадал ривожланмоқда. Буни мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами йилдан-йилга кенгайиб, икки томонлама муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилганида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан кейин ҳам изчил тараққий этаверишига ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини мустақиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман, бахт-саодат тилайман!

...Байрам тантанаси янада қизийди. Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар ва рақсларда яшаш завқи, ёш авлод қалби ва тафаккурида жўш ураётган бунёдкорлик иштиёқи, шу заминда туғилиб камол топиш бахтидан масрурлик ҳислари жўш уради...

Майдон узра таралаётган куй ва алёрларда мустақиллик, тинч ва осойишта ҳаёт улуғланади, эркин ва обод Ватанга фарзандлик меҳри, шукроналик ва миннатдорлик туйғуси билан йўғрилган, севги, садоқат ва дўстликни мадҳ этувчи қўшиқлар жозибали рақсларга уланади.

Замонлар ўтади, мамлакатимизда янги-янги авлодлар дунёга келади, аждодларимизнинг, халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, эркин ва обод Ватан барпо этиш йўлида қанот бўлиб, беқиёс имконият ва истиқболларни очиб берган бу кун — Мустақиллик куни юртимиз тарихидан асло ўчмайдиган буюк сана бўлиб қолаверади.

Самода ранг-баранг мушаклар жило сочади. Ёғдуларга боқиб қалбларимиздаги ҳаяжон тошади. Қалблардаги эзгу ниятлар тилга кўчади:

— Мустақиллигинг абадий бўлсин, жонажон Ватаним!

— Улуғ тўйинг муборак бўлсин, буюк ва муқаддас Ватаним — мустақил Ўзбекистон!

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири**

Дил сўзи

Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Ватанимиз мустақиллиги куни арафасида Президентимиз Фармонига биноан менга II даражали «Соғлом авлод учун» ордени берилди.

## Юксак эътибордан мамнунмиз

Очиғи, менинг ва шифохонамиз жамоасининг меҳнати бунчалик юқори баҳоланганлиги ҳақидаги хабар кўнглимизни тоғдек кўтарди, шижоатимизга шижоат қўшди...

Инсон ҳаёти, саломатлиги ҳамма нарсадан устун. Шу боис Президентимиз аҳоли саломатлигини янада яхшилаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини юртимиз истиқлол арафасида турган мураккаб даврдаёқ алоҳида таъкидлаган эдилар.

Бу бежиз эмас. Мустақилликка эришгунимизга қадар бўлган аянчли ҳолатни кўпчилик ёши катталар яхши эслашади.

Ўтмишга назар ташлаб, уни Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимидаги бугунги шароит билан таққослайдиган бўлсак, эскирган жиҳозлар, совуқ ва санитария талабларига жавоб бермайдиган хоналардан иборат тиббиёт муассасаларида даволаниш у ёқда турсин, ишлашнинг ўзи бўлмас эди.

Шу боис Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Илғор шакл ва услублар амалиётга жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1993 йил мустақил Ватанимизнинг илк ордени "Соғлом авлод учун" номи билан таъсис этилгани замирида ҳам мустақил мамлакатимизнинг буюк келажагини яратиш, миллат генофондини асраш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад мужассам эди.

Мамлакатимизда инсон саломатлигини асраш устувор вазифа сифатида ҳаётга татбиқ этилаётган экан, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳар бир тиббиёт ходимини янада фаолликка ундайверади. Камтарона хизматимиз учун давлатимизнинг бу каби юксак унвонлари берилгани эса кучимизга куч қўшади, албатта.

**Ориф ЗИЁЕВ,**
Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали болалар анестезиология-реаниматологияси бўлими мудири,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах шаҳар Кенгаши депутати

Эҳтиром

## Кексалари ардоқланган юрт

Ахчабай ота Тўхтабоев Андижон туманининг Дархон маҳалласида умргузаронлик қилади. Шу йил 101 баҳорни қаршилади. Бугун етти фарзанди, ўнлаб невара-чевbooралари унинг атрофида парвона. Маҳалладошлари кунора ҳол сўрашни унутишмайди. Айниқса, отахоннинг мароқли суҳбатини тинглашга иштиёқмандлар кўп...



Яқинда Ахчабай ота «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан мукофотланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Хакан қишлоғидаги қуйи ташкилоти фаоллари қутлаш учун отанинг хонадонига ташриф буюришди.

Ҳовлига қадам босишимиз билан халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор» деган нақл бежиз айтилмаганига яна бир бор шоҳид бўлдик. Файзли хонадон яқинлар билан гавжум.

— Кексалик гашти нимада? Тўй-ҳашамларда бу саволни менга кўп беришади. Энг аввало, фарзандларнинг, невара-чевараларнинг бағрида, тинч ва осойишта, фаровон юртда кексалик гаштини суришнинг ўзи катта бахт, дейман уларга, — дейди Ахчабай ота. — Умримнинг кейинги йигирма йили роҳат-фароғатда ўтмоқда, асрларга татигулик давр бўлмоқда. Минг шукр, истиқлол берган неъматларни, болаларимиз камолини, орзу-ҳавасини кўрдим. Юртбошимизга раҳмат. Бугун эл-юртнинг ардоғидамиз. Мустақиллигимиз, у берган осойишталик бардавом бўлсин. Тинч, тўқ юртда яшаётганимиз — катта бахт. Толеимиз кулгани шу-да. Президентимизнинг бу юксак мукофоти кўнглимни тоғдек кўтарди.

Албатта, умр ўткинчи, инсон ғанимат. Биздан қоладигани яхшилик, хайрли амаллардир. Кексаларимизни ҳар қанча эъзозласак ҳам кам. Зеро, эъзоз, эҳтиром ўзбекка хос фазилатдир.

**Акбаржон НАЗАРОВ**

# Аждодлар хотираси муқаддас

Давоми. Боши 1-бетда

Мана шундай муборак жойларда, халқимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган минг-минглаб ватандошларимизни эслар эканмиз, бугунги тинч ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришганимиз хаёлдан ўтади. Улар бир умр орзу қилган, бугунги авлодга насиб этган мустақиллик, эркин ва фаровон ҳаётнинг аҳамиятини теранроқ англаймиз.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда бугунги кунда мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, олдимизда турган муҳим вазифалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Биз мустақиллик йилларида азалий қадриятларимиз, дину диёнатимиз, миллий ўзлигимизни тиклаш йўлида қандай катта ишларни амалга оширганимиз элу юртимизга яхши маълум. Лекин бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт ва унинг ўткир талаблари маънавият соҳасида янги-янги вазифаларни олдимизга қўймоқда. Бутун дунё миқёсида инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб бир шароитда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларни бизга ёт ва бегона бўлган турли бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этаётгани барчамизга яхши аён, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Бу борада она заминимиздан етишиб чиққан, дунё илм-фани ва маданиятига унутилмас ҳисса қўшган улуғ мутафаккирларимиз, олиму алломаларимиз мероси, албатта, беқиёс аҳамиятга эга. Бу ўринда гап ана шу бебаҳо бойликдан оқилона фойдаланиш, уни фарзандларимиз, ёш авлодимизга ҳаққоний ва безавол етказиш ҳақида бораётганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Яъни, бошқача айтганда, бугун замон талаб қилаётган дунёвий билимлар билан бирга, инсон ҳаётининг маъно ва мазмунини англатадиган, эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби фазилатлардан сабоқ берадиган диний билимларни ҳам пухта ўзлаштирган одамгина давримизнинг кескин ва мураккаб саволларига жавоб топа олади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг узоқ ва яқин ҳудудларида, Яқин Шарқ минтақасида юз бераётган қарама-қаршилик ва қонли тўқнашувлар, низо ва зиддиятларнинг туб илдизи ҳам айнан мана шундай кенг билим ва тушунчага эга бўлмаслик, жаҳолат ботқоғига ботиб қолиш, ақидапарастлик ва маҳдудлик билан боғлиқ, десак, янглишмаган бўламиз, деб сўзини давом эттирди Президент Ислом Каримов.

Бугун юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаётимизга таҳдид солиши мумкин бўлган бундай хатарларнинг салбий таъсирини, афсуски, бизнинг яқин ён-атрофимизда содир бўлаётган турли воқеа ва ҳодисалар мисолида ҳам кўриш, сезиш қийин эмас. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, бу воқеалар бизнинг ҳудудимиздан четда, бизга дахли йўқ, деб лоқайд қараш, бепарво бўлиб юриш асло мумкин эмас.

Энг ёмони, бундай ғоявий хуружлар турли йўллар билан, устамонлик билан олиб борилаётгани соғлом фикрли ҳар бир одамни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди.

Бундай ғаразли кучларнинг асосий нияти — ҳали ҳаётий тажрибаси, сиёсий-ижтимоий савияси етарли бўлмаган, содда ва ғўр ёшларни йўлдан уриш, ўзининг қабиҳ ниятлари йўлида фойдаланиш эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Фақатгина мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқоди мустаҳкам, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган эзгу қадриятларга садоқатли бўлган инсонгина бундай қутқуларга учмаслиги, тўғри йўлдан адашмаслиги мумкин. Бунинг учун, албатта, биринчи навбатда фарзандларимизни юксак билим ва маънавий фазилатлар билан қуроллантиришимиз лозим. Уларга биз учун муқаддас бўлган ислом динининг чинакам инсоний моҳиятини, унинг тинчлик, яхшилик, меҳр-шафқат, ҳамжиҳатлик дини эканини тўғри тушунтириб беришимиз керак. Бизга ёт ва бегона бўлган турли зарарли оқимлардан ҳимояланиш учун одамларга бу борадаги бор ҳақиқатни етказиш зарур. Таъбир жоиз бўлса, бундай хавф-хатарлардан одамларни, авваламбор, ёш авлодни ҳақиқат билан ҳимоя қилиш керак.

Шу маънода, бутун ислом олами юксак ҳурмат ва эҳтиром билан эътироф этадиган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк уламоларимиз қолдирган бой маънавий мерос биз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, илоҳий ислом таълимотини, хусусан, мўътабар ҳадисларни башариятга етказиш йўлидаги Имом Бухорий бобомизнинг маънавий жасоратини алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим, деб биламан. Бу улуғ бобомизнинг табаррук меросини мен доим такрор ва такрор мутолаа қилиб, нафақат ўтмиш ва бугунги ҳаёт, балки эртанги кун билан боғлиқ жуда кўп саволларга жавоб топаман. Айниқса, у зотнинг қаламига мансуб "Ал-адаб ал-муфрад" асарида одамзот учун ибрат ва намуна бўладиган, уни ҳақ йўлга, эзгуликка бошлайдиган қанча-қанча ҳикмат ва ўгитлар борлигига, уларда одоб-ахлоқ, таълим-тарбия масаласи инсонни инсон қиладиган асосий мезон сифатида белгиланганига ишонч ҳосил қиламан.

Бундай табаррук асарларнинг долзарб аҳамияти шундаки, улар дунёнинг айрим ҳудудларида одоб-ахлоқ асосларига болта урилаётган, "оммавий маданият" кўринишлари тобора кенг тарқалиб бораётган бир вазиятда, бамисоли инсониятнинг кўзини очиб берадиган, уни огоҳ этадиган бонг каби янграмоқда.

Ислом маданияти, ислом фалсафасининг қадимий марказларидан бири бўлган бизнинг муқаддас заминимизда камол топган ана шундай улуғ олиму уламолар, азиз-авлиёларимизнинг ўлмас меросини, биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни жаҳон миқёсида кенг тарғибу ташвиқ қилиш, Ўзбекистонимизда виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан дунё жамоатчилигини кенг таништириш мақсадида юртимизда, хусусан, Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий марказида турли илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, айни муддао бўлур эди.

Мана шундай ноёб меросимизни, такрор айтаман, эл-юртимизга, фарзандларимизга етказишда мен уламоларимиз, кўпни кўрган оқсоқолларимиз, маҳалла фаоллари, зиёлилар, кенг жамоатчилигимиз янада фаоллик кўрсатишини истардим, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гуллар қўйилди.

**ЎзА**



# ОАВ бозор шароитида

## ўз сўзи ва ўрнига эга бўлиб бормоқда

**Конференция**

Юртимиз Фарғонаси — элимиз дурдонаси ўзининг меҳнаткаш, меҳмондўст халқи, юксак маънавиятли, маданиятли зиёлилари, шоир, ёзувчилари, миришкор бободеҳқонлари, машҳур спортчилари билан довруғ таратган. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг саноат салоҳияти юксак ва янада тараққий топиб бораётган вилоятларидан биридир. Айниқса, кейинги йилларда бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида Фарғона тобора чирой очмоқда, бир-биридан гўзал, бетакрор бинолар, иншоотлар, объектлар ишга тушаётгани одамлар руҳиятига кўтаринкилик бағишламоқда.

Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида "Бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашнинг долзарб масалалари" мавзуида ўтказилган минтақавий конференцияда вилоятдаги бунёдкорлик ишлари хусусида ана шундай фикрлар билдирилди ва матбуотга яратилаётган шароитлар ҳақида сўз борди. Депутатлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари, республиканинг бир қатор етакчи марказий нашрлари бош муҳаррирлари, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари ОАВда фаолият юритувчи журналистлар, эксперт ва ҳуқуқшунослар иштирок этган конференцияда Мамлакатимизда демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида баён этилган ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича белгилаб берилган стратегик вазифаларни амалга ошириш, ОАВ эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳаларига оид аниқ таклиф-мулоҳазаларни ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов кун тартибидаги масала юзасидан фикр билдирар экан, тадбирнинг мамлакатимиз мустақиллиги куни арафасида, қадимдан илм-маърифат марказларидан бири, тубдан янгиланаётган, чирой очаётган обод шаҳар Фарғонада бўлиб ўтаётганлигини алоҳида таъкидлади.

— Минтақавий конференциянинг Фарғонада ўтказилишида ўзига хос маъно ва мазмун мужассам. Сабаби, 79 та газета, 8 та журнал, 7 та телестудия ва 3 та радиоканал, жами 97 та ОАВ нафақат вилоятда, балки мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни кенг ёритишда олдинги сафда бормоқда, — деди маърузачи.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ОАВ фаолиятини эркинлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда уларнинг ролини ошириш, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қонунлар, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши соҳанинг замон талабларига мос равишда ривожланишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— ОАВ фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида давлат ва жамият ўртасида бевосита алоқаларни шакллантира бориб, аҳолининг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида олиб борилаётган ислоҳотлардан хабардорлигини таъминлайди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев. — Бу эса аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, фуқаролик позицияси ҳамда маънавиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Эътироф этиш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ахборот бозорида рақобатни ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодий имтиёзлар ва преференциялар эвазига ОАВнинг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, мустақил ва нодавлат ОАВни ривожлантириш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги қарори билан ОАВ ва нашриётлар учун бир қатор имтиёзлар ва преференциялар белгиланиб, уларга беш йил муддатга солиқ, мажбурий ажратмалар ва божхона тўловларини тўлаш бўйича бир қатор енгилликлар берилди.

Қўмита аъзоси Ш.Деҳқоновнинг таъкидлашича, мамлакатимиз медиа бозори ривожланиш динамикасининг таҳлили янги медиа тузилмалар сони соҳага бозор механизмларининг изчил жорий этилиши ҳисобига тобора ошиб бораётганини кўрсатди.

Соҳа мутахассислари, ҳуқуқшунос ва экспертлар ўз маърузаларида Концепцияда илгари сурилган "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифаларига тўхталдилар. Шунингдек, медиа бозорнинг босиб ўтган йўли, нодавлат ОАВ фаолиятига халқаро ҳуқуқий меъёрлар, ривожланган демократик давлатлардаги илғор стандартларни жорий этиш, ахборот соҳасини либераллаштириш, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини тўлақонли таъминлашда нодавлат босма ва электрон ОАВнинг ўрни ва аҳамияти, бу борадаги қонунчилик базасини янада мустаҳкамлаш юзасидан ўз таклифларини билдиришди.

Қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган мазкур конференция конструктив савол-жавоблар, таклиф-мулоҳазаларга бой тарзда, фаол ишчанлик руҳида ўтди. Унинг якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман иштирокчилари Фарғона шаҳрининг диққатга сазовор жойларида бўлиб, бунёдкорлик ишлари бажарилаётган объектлар билан танишдилар. Хусусан, шаҳарнинг қоқ марказида қад ростлаётган театр биноси, унинг майдонида амалга оширилаётган ободончилик ишлари уларда катта таассурот қолдирди.

Юртбошимиз ташаббуси билан Фарғона шаҳридаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари учун 1 триллион 300 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, бунёд этилаётган кичик ва катта ҳалқа йўллари, аҳоли учун яратилаётган замонавий қулайликлар, маиший хизмат кўрсатиш бинолари, саломатлик марказлари, спорт иншоотлари, болалар майдончалари унинг ёрқин келажагидан далолат бериб турибди.

**Ўз мухбиримиз**

# Қуролли кучларимиз истиқболи йўлида

**Дастур доирасида**

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг вилоятдаги ижроси юзасидан назорат-таҳлил якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, мудофаа, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат бирлашмалари, алоқадор идоралар вакиллари иштирок этган тадбирда қўмита раиси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Қодир Жўраев алоҳида таъкидлаганидек, мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар бевосита ушбу тизимни янада такомиллаштириш ва унинг истиқболини мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон фуқаролари Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишни нафақат фуқаролик бурчи сифатида, шу билан бирга энг юксак мақомдаги мутахассислик сифатида қабул қилмоқдалар. Кейинги пайтларда Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга чақирув танлов асосида ўтказилаётганлиги бунинг ёрқин далилидир. Армия сафларига хизматга келган ёшларимиз, бу ерда ҳарбий мутахассисликни эгаллаш билан чекланмай, ҳам жисмонан, ҳам маънан чиниқиб, қатъий ирода, ҳаётий позицияга ҳам эга бўлмоқдалар.

Шу билан бирга мажлисда Давлат дастурларини амалга ошириш ва "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг воҳадаги ижроси ҳақида вилоят ҳокимининг ўринбосари Ғайрат Жовлиевнинг маърузаси тингланди.

Мажлисда қўмита аъзолари томонидан чақирувга қадар бошланғич ҳарбий тайёргарликнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларини олий ҳарбий маълумотга эга ўқитувчилар билан тўлдириш, ҳарбий низомлар, йўриқномалар, ўқув-услубий қўлланмалар, ўқув жиҳозлари билан тўлиқ таъминлаш зарурлиги ҳамда мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотида курсантлар тайёрлаш сифатини ошириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди. Шунингдек, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, Мудофаа ишлари бошқармаси ва бўлимларини, ўқув муассасаларини молиялаштириш ва моддий техник жиҳатдан таъминлаш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашни яхшилаш учун зарур ўқув материаллари базасини яратиш, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашни ташкил этиш ишлари самарадорлигини ошириш зарурлиги кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Тадбирда муҳокама этилган қонунлар ижроси ўта долзарб эканлиги алоҳида эътироф этилиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, барча таълим муассасалари, жамоат бирлашмаларининг маънан ва жисмонан баркамол, мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қиладиган, миллий менталитетимизга ёт, зарарли таъсир ва оқимларга қарши кураша оладиган ёшларни тарбиялаш бўйича фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга илмий муассасалар, жамоат бирлашмалари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, илм-фан, маданият, спорт соҳаси фахрийлари ва журналистларни фаолроқ жалб этиш таклиф қилинди.

Қўмита мажлисида кун тартибидаги долзарб масала юзасидан "Маҳалла" жамғармаси, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, касб-ҳунар таълими, молия, соғлиқни сақлаш ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарларининг ҳам ахборотлари тингланди.

Шу куни қўмита аъзолари Қарши шаҳридаги Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номли вилоят мусиқали драма театри биносида "Тинчлик ва барқарорликни таъминлаш — Ўзбекистон Республикаси Мустақил тараққиётининг бош омили" мавзуида давра суҳбати ҳам ташкил этдилар.

Унда қўмита раиси Қодир Жўраев "Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон ташаббуслари" мавзуида маъруза қилди.

— Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизнинг халқаро миқёсда минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича илгари сурган ташаббуслари диққатга сазовор, — деди Қ.Жўраев. — Биргина мисол, мамлакатимизнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги ташаббуси билан шартнома имзолангани — бу Ватанимиз ташқи сиёсатининг жуда катта ютуғидир. Шу кеча-кундузда ҳам давлатимиз томонидан минтақада тинчлик ва хавфсизликни, барқарорликни сақлаш, давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун саъй-ҳаракатлар олиб борилаяпти.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, "Адолат" СДП фракцияси раҳбари Собир Турсунов ҳам сўз олиб, серқуёш мамлакатимизда истиқлол йилларида ҳалқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, эркинлиги ва фаровонлигини таъминлаш, тинч ва барқарор яшаши учун барча шарт-шароитлар, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий асослар яратилганлигини таъкидлади. Шунингдек, у мустақил давлатимизда "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, авваламбор инсон учун" тамойилини амалга ошириш муҳим ва устувор вазифа даражасига кўтарилганлиги, Ўзбекистон сиёсатининг асосий устувор йўналишлари озод ва обод Ватан, инсон учун фаровон ҳаёт яратишга қаратилганлигини эътироф этди.

Тадбир сўнггида Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси шу юрт фарзанди эканлигини ҳис қилиб, ҳушёрликни оширса ҳеч қандай кучлар улуғ мақсад — тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги ишларимизга, мустақиллигимизга, ютуқларимизга раҳна сололмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**Комил САХАТОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Қашқадарё вилояти Кенгаши
матбуот котиби

Ҳуқуқий эксперимент

# Божхона учун электрон декларация

## ва фуқароларни қабул қилишнинг соддалаштирилган тартиби бошқарувда очиқликни таъминлашга ва ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) самарадорлигига қандай таъсир кўрсатмоқда?

Доставвал шуни таъкидлаш лозимки, божхона савдо-иқтисодий муносабатларда ҳар қандай мамлакатнинг ўзига хос дарвозаси ҳисобланади. Бу дарвозада тартиб-назоратнинг мукаммаллиги мамлакат ичкарисидаги тартиб қоидалардан далолат бериб туради.

Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар, яъни четга товар чиқарувчилар ва хориждан сармоя, технология олиб кирувчи инвесторлар, одатда, божхона билан ҳар битта муносабатлари ортиқча расмиятчиликларсиз, енгил ва тез кечишини истайдилар. Божхоначилар эса бу жараёнда қонун доирасидан четга чиқмасликни назорат қиладилар. Демак, икки томонлама муносабатларда аниқлик, ҳозиржавоблик, қонунларга итоаткорлик талаб этилади.

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси синови бўйича Самарқанд вилоятида ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент божхона тизимини ҳам четлаб ўтмаганлигини назарда тутадиган бўлсак, ушбу хизмат соҳасида очиқликни, ҳисобдорликни таъминлаш, фуқаро мурожаатларига вақтида, асосли жавоб қайтариш нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини тушуниб оламиз.

Ҳуқуқий эксперимент шартларидан келиб чиққан ҳолда аввало шуни қайд этиш ўринлики, Самарқанд вилоят давлат божхона бошқармасига кираверишда фуқаролар учун аниқ иш жадвали асосида ишлайдиган махсус қабулхона ташкил этилган. Бу ерда бошқарма раҳбари, унинг ўринбосарлари ёки керакли хизмат мутахассислари билан осонгина мулоқотга киришишингиз ва қаноатланарли жавоб олишингиз мумкин. Қабулхонада бошқарма раҳбариятининг таркиби, телефон рақамлари, мурожаатларни мазмунан ўрганиб чиқиш муддатлари аниқ кўрсатиб қўйилган.

— Ўтган вақт мобайнида бошқарма фаолияти бўйича фуқаролардан 7 та мурожаат келиб тушган, — дейди божхона Ахборот хизмати раҳбари Акбар Қурбонов. — Уларнинг барчаси назоратга олиниб мурожаат эгаларига ўз вақтида қонуний жавоб қайтарилди. Бошқарманинг ярим йиллик иш натижаларига бағишлаб тадбиркорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда ҳам фаолиятда ошкораликни таъминлаш масалаларига алоҳида урғу берилди ва хизмат жараёнида йўл қўйилган камчиликлар очиқ айтиб ўтилди. Хусусан, тадбиркорлар фаолиятидаги муаммо ва қийинчиликларни ўрганиб бориш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатлари расмийлаштирув жараёнини тезлаштириш зарур, деган хулосага келинди.

Дарвоқе, бошқарма Ахборот хизмати раҳбарининг маълумотларига асосланадиган бўлсак, божхона тизимида юк далолатномаларини электрон декларация шаклида қабул қилиш йўлга қўйилганлиги ва бу усул аллақачон ўз самарасини бераётганлигини эътироф этиш ўринлидир.

Электрон декларациялаш жараёнида божхона инспектори ва декларант, яъни далолатномани тақдим этувчи бир-бирларидан қандай масофада бўлишларидан қатъий назар божхона расмийлаштирувини интернет тармоғи орқали амалга оширилади. Ушбу жараённинг тезкорлиги, қулайлиги шундаки, декларант ўз иш жойида ўтириб бир вақтнинг ўзида бир неча божхона постлари билан товарларни расмийлаштириши мумкин.

Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, 2013 йилнинг 6 ойида божхона юк далолатномаларини электрон шаклда расмийлаштириш билан боғлиқ ҳолат 323 тани ташкил этган эди. Етти ойлик натижаларига кўра бу миқдор 1977 тани ёки жами расмийлаштиришларнинг 15,6 фоизини ташкил қилди. Демак, ҳуқуқий экспериментнинг амал қилиши билан боғлиқ бир ой давомида электрон декларациялаш олти баробар кўпайган.

Самарқанд шаҳридаги “Раҳмат” фирмаси божхона расмийлаштируви мутахассиси Дилора Мирзаева юк баённомаларини тақдим этишда электрон хизматнинг афзалликларидан унумли фойдаланилаётганини таъкидлайди. Унинг фикрича, фирманинг ташқи савдо жараёнлари билан бехато шуғулланишида божхона фаолиятидаги очиқлик, зарур ахборотларга эгалик ва ижро назоратининг такомиллашгани муҳим роль ўйнамоқда.

Самарқанддаги яна бир тадбиркорлик субъекти — “Сиёб саховати” қўшма корхонаси раҳбари Олим Расулов ҳам шу фикрни тасдиқлаб, ишхонадаги “электрон ҳукумат” тизими кенгайтирилишидан манфаатдор эканлигини ва бу ҳолат тадбиркорнинг қимматли вақтини тежаш имконини бераётганини эътироф этади.

Божхона фаолиятидаги худди шундай ўзгариш ва янгиликларни тарғиб этиш мақсадида соҳа раҳбарияти ОАВлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ҳуқуқий эксперимент амал қила бошлагандан буён бошқарма раҳбарлари ва етакчи мутахассислари вилоят “Зарафшон”, “Самаркандский вестник” газеталарида ва СТВ телевидениеси орқали мунтазам чиқиш қилиб, қонун лойиҳасининг бошқарув фаолиятига оид жиҳатлари ҳақида фуқароларга батафсил тушунтириш бердилар.

Электрон декларациялаш жараёнининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у ишбилармонлик муҳитига соғлом таъсир кўрсатиб, назорат жараёнида таъмагирлик, суиистеъмолчилик ҳолатларига энг яхши тўсиқ бўла олади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Самарқанд вилоятида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан аввалги йилнинг шу даврига нисбатан экспорт-импорт операциялари ҳажми сезиларли даражада кўпайганлиги фикримизнинг тасдиғидир. Демак, юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этишга тўғридан-тўғри инвестиция киритаётган хорижий сармоядор ҳам, у билан муносабатга киришаётган маҳаллий тадбиркор ҳам божхона нуқтасида рағбат ва қўллаб-қувватланишини сезаяпти. Бу эса иқтисодиётни юксалтиришда муҳим ижобий ҳолат.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
“Adolat” мухбири

Қонун ижодкорлиги

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатни асраш масаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унда «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш лозимлиги белгилаб берилган эди. Мазкур дастурий ҳужжатда белгиланган устувор йўналишлардаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва у айни вақтда қизғин муҳокама этилмоқда.



**Тўлқин АБДУСАТТОРОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

# Экологик назоратни амалга ошириш

## фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилмоқда

Қонун лойиҳаси билан давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назорат тушунчалари, экологик назоратни амалга оширишнинг асосий принциплари, вазифа ва усуллари аниқ белгилаб қўйилмоқда. Лойиҳада экологик назоратга олиниши лозим бўлган объектлар, экологик назоратни амалга оширувчи субъектлар аниқ кўрсатиб ўтилган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқаролар йиғинлари ваколатларини аниқ белгилаган ҳолда экологик назорат соҳасини тартибга солиш ва бошқариш механизми батафсил ёритилаяпти. Шунингдек, унда экологик назоратнинг барча турларини амалга оширувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз ифодасини топмоқда.

Қонун лойиҳаси экологик назоратни амалга оширишда, мамлакатимиз минтақаларида атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги вазиятнинг мониторингини олиб боришда жамоатчиликнинг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини янада оширишга, экологик назоратни амалга ошириш тизимини такомиллаштиришга ва назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини яратишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Унинг қабул қилиниши натижасида экологик назоратни амалга ошириш тизими такомиллаштирилиб, экологик назоратни таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти органларининг барча бошқарув бўғинлари ҳамда махсус ваколатли давлат органларининг ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади.

Жамоатчилик экологик назорати соҳасида фуқаролик жамияти институти ва фуқароларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, жамоатчи инспекторлар институтини шакллантириш, экологик назорат жамоатчи инспекторининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш мазкур қонун лойиҳаси билан ўрнатилаётган асосий янгиликлар ҳисобланишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ҳуқуқи Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг услубий кўмаги билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Польша, Венгрия, Словакия, Чехия, шунингдек, Марказий ва Шарқий Европадаги бошқа мамлакатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, бу борада жамоатчилик иштирокини қонуний тартибга солиш тажрибаси ўрганилгани қонун лойиҳасининг бугунги кун талаби асосида тайёрланганидан, халқаро ҳуқуқнинг принциплари ва нормаларига уйғунлаштирилганидан далолатдир.

Айниқса, Қонунчилик палатаси томонидан ушбу қонун лойиҳасини кенг муҳокама қилиш учун қарор қабул қилиниб, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ҳамда www.eco.uz, www.xs.uz, www.-narodnoeslovo.uz сайтларида эълон қилингани, айни пайтда парламент аъзолари, вазирликлар, идоралар ходимлари, мутахассислар, олим ва экспертлар иштирокида жойларда турли тадбирлар, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилаётгани, қонун лойиҳаси бўйича кўплаб таклифлар, тавсиялар, фикр-мулоҳазалар келиб тушаётгани унинг янада пухта ва пишиқ бўлишини таъминлайди, албатта.

Экология соҳасидаги қонунчилик нормалари ва талабларини рўёбга чиқариш фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришга, жамоат ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизими ва экологик муаммоларни ҳал этиш жараёнидаги иштирокларига бевосита боғлиқ масаладир. Шу боис, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси экологик назоратни, атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида мамлакатнинг барча ҳудудларидаги ҳолатнинг мониторингини амалга оширишда жамоатчилик, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллигини янада кучайтириш лозим.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш тизимидаги роли ва ўрнини оширишга, жамиятда соғлом турмуш тарзини янада чуқур қарор топтиришга хизмат қилар экан, бу Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурий вазифаларига, илгари сураётган ғоя ва ташаббусларига тўла мос келади. Чунончи, партиямиз сайловолди дастурининг «Экология: атрофимиздаги оламни ҳимоя қиламиз» деб номланган бўлимида партиянинг бу борадаги вазифалари аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, дастурда партия Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан нафақат умуммиллий миқёсда, балки муайян ҳудуд шароитларида атроф-муҳит ифлосланиши, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунчиликдаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилиши назарда тутилган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон «Адолат» СДП парламент қуйи палатасидаги вакиллари орқали қонун лойиҳасининг муҳокамаларида, уни янада такомиллаштириш ишларида фаол иштирок этиб келмоқда.



# Масъулият билан ёндашайлик

Айни кунларда Бухоро вилоятида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент амалга оширилмоқда.

Қонун лойиҳасида кўзда тутилганидек, Бухоро вилоятида мавжуд 88 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 81 тасида Ахборот хизматлари фаолият кўрсатмоқда. Туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқарув органларининг шаффофликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини янада кучайтириш, ҳуқуқий эксперимент моҳияти, унинг миллий қонун ижодкорлигидаги аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш ҳамда аҳолини ушбу жараёнга кенг жалб этиш мақсадида вилоят ҳокимининг фармойиши билан 6 кишилик доимий ишловчи гуруҳ ташкил қилинган. Ҳозирда ушбу гуруҳ томонидан вилоятдаги барча эксперимент субъектларидан йиғиладиган маълумотлар жамланиб келинмоқда.

Шунингдек, ишчи гуруҳи аъзолари томонидан ўзларига бириктирилган шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда бошқарув органларида ҳуқуқий эксперимент жараёнини ташкил этиш борасида услубий тавсиялар олиб борилдики, бунинг натижасида муайян йўналиш доирасида жойларда ахборот хоналари ташкил этилди. Бугун Бухоронинг ҳар бир туман ҳокимлиги ва бошқарув органлари фаолиятини тарғиб этувчи ва улар ҳақида маълумот берувчи веб-сайтлар базаси мустаҳкамланган. Бир ой давомида оммавий ахборот воситалари билан олиб борилган ишлар натижасига урғу бериладиган бўлса, ушбу жараённинг кечиши борасида 20 га яқин босма материаллар эълон қилиниб, 30 дан зиёд телекўрсатувлар намойиш этилган, бундан ташқари, 10 га яқин радиоэшиттиришлар аҳоли эътиборига ҳавола қилинган. Мазкур кўрсаткичнинг март ойидан ҳозирга қадар кечган тезкорлиги назарда тутиладиган бўлса, ҳуқуқий эксперимент тарғиботи борасидаги чиқишлар жами 3654 рақамини кўрсатади. Бундан ташқари, вилоятдаги 88 та ҳуқуқий эксперимент субъектларининг 51 тасида алоҳида веб-сайт яратилган бўлиб, 16 тасининг юқори ташкилотларидаги веб-сайти таркибида алоҳида саҳифаси очилган. Вилоят компьютерлаштириш маркази ёрдамида веб-сайтларни яратиш ва ундаги маълумотларни интерактив хизматлар билан тизимли равишда янгиланиб борилиши жадаллашган.

Аҳоли ва давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ўртасидаги кўприкни янада мустаҳкамлаш, фаолият ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар боис, шу қисқа давр ичида вилоят ҳокимлигига 176 та, шаҳар, туман ҳокимликларига 244 та, корхона ва ташкилотларга 976 та, жами 1396 та сўровлар келиб тушган. Биргина Бухоро вилояти телевидениеси томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 86 та сўров юборилиб, уларга тегишли жавоблар олинган. Барча сўровлар, шунингдек, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари қайд этиш дафтарларига киритиб келинган.

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тарғиботи борасида вилоят ҳокимлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро вилоят бўлинмаси томонидан учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар, брифинг ва матбуот анжуманлари ўтказилмоқда.

Эътиборлиси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда Ахборот хизматларига ишонч билдирилаяпти.

Бошқарув органлари мисолида Бухоро вилоят давлат солиқ бошқармасида фаолият ошкоралигини таъминлаш борасида кечаётган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда бошқарма расмий веб-сайти маълумотлар базаси янгиланиб бормоқда. 20 дан ортиқ интерактив хизматлар ахборот олишда ва тарқатишда ҳозиржавоб ҳамда ишончли манбага айланган.

— Айни кунда вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиши ҳамда фойдаланиши юзасидан ҳуқуқларни таъминлаш борасида барча шарт-шароитлар амалга оширилган, — дейди вилоят ДСБ Ахборот хизмати бош мутахассиси Баҳодир Файзиев. — Бошқармага ташриф буюрувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг ўзларига керакли ахборот ва маълумотларни тўғридан-тўғри қабул қилишлари учун бинода иш тартибидан тортиб, унинг тузилмаси ва фуқароларни қабул қилиш тартиби, қабул кунларидан маълумот берувчи стендлар ташкил этилган.

Ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатлари ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериш борасида ДСБ ташаббуси билан ўтказиб келинаётган турли хил учрашувларда қонун ҳужжатлари ва тегишли материаллар тарқатилаётгани, шунингдек, маҳаллий ОАВлар билан яқин ҳамкорлик фаолият ошкоралигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Айниқса, вилоят “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати нашри ҳисобланган “Бухоро ёшлари” газетаси таҳририяти билан ҳамкорлик ёш соҳа вакилларининг ўз фаолиятларига сидқидилдан ёндошувларига турткибўлмоқда. Шунингдек, вилоят ҳокимлиги муассислигидаги “Бухороնома” газетаси саҳифаларида янги рукнлар остидаги чиқишлар солиқ тизимидаги янгиликларни аҳолига етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Вилоят телевидениеси орқали намойиш этилаётган “Солиқ ва биз”, “Солиқ назоратида” кўрсатувлари тизимнинг аҳоли ва фуқаролар ўртасида кўприк вазифани ўтамоқдаки, бу ўз ўрнида оммавий ахборот воситаларининг ҳам салоҳиятда юксалиб бораётгани нишонасидир.

Айтиш жоизки, вилоят солиқ бошқармасида кузатилган бу каби ижобий тажрибалар айни пайтда вилоятдаги ҳуқуқий эксперимент субъекти ҳисобланган 70 дан зиёд давлат бошқаруви органлари фаолиятида ҳам кўзга ташланмоқда. Бу эса “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳуқуқий эксперименти жамиятимизда демократик тамойиллар тобора илдиз ёзиб бораётганлигининг амалий тасдиғидир. Ҳуқуқий экспериментнинг жадал суръатлар билан кечишини таъминлашда ҳар биримиз муносиб ҳаракат қилсак, масъулият билан ёндошсак, жамият равнақи ва юрт келажагига ҳисса қўшган бўламиз.

**Лайло ҲАЙИТОВА,**
журналист

# Устоз

## Ўзбекистон Қаҳрамонлари

Ўша куни уларнинг оилавий гурунги қизиди. Юз ёш билан юзлашиш арафасида турган Каромат хола ўғли Турғун ака билан келини Хуршида опа ҳузурида невара, чевара, эвараларига ўзининг бугунги гаштли ҳаётидан нақадар мамнун эканлигини билдириб, уларга бир гапни алоҳида уқтирди:

— Мустақилликдан айланай, биримни икки қилди. Умримга бахт нурларини ёғдирди. Ҳаётда мендан бахтли она бўлмаса керак. Фарзандларим теграмда. Уларнинг бугунги камолини кўриб, қувонаман. Ҳар бирига берган оқ сутимдан доимо розиман. Шундай дориломон кунларга етказгани учун Яратганга минг бора шукрона айлайман. Агар истиқлол қуёши бошимиз узра порламаганида бугунгидек гўзал турмушни тушимизда ҳам кўрмаган бўлардик.



Ⓕ Хусан АСРОРОВ

Ҳаётга доимо синчков назар билан қаровчи Каромат хола айни кўнгилдаги гапларни айтаётган эди. Бир қарасанг, телевизор қаршисидан кетмайдиган, бир қарасанг, кичкинтойларнинг қуршовида уларни суйиб-эркалайдиган бу онахон ўз дунёси, мусаффо қалби билан мустақилликни ҳис этаётганди. Унинг моҳиятини, халқимизга берган бахту саодатини англаб етаётганди. Дарвоқе, мустақиллик боис Каромат хола элда кам бўлмади. Фарзандларининг камолини кўрди. Ўқитувчилик касбини улуғлаб, математика фанидан 40-мактабда ёшларга сабоқ берган турмуш ўртоғи Раҳмат акани шафқатсиз ўлим ҳаётдан эрта олиб кетди. Аммо улардан ёдгорлик бўлиб икки қиз, бир ўғли қолди. Онахон фарзандларини ҳеч нимага зориқтирмади, ўқитди. Қизларини турмушга берди, ўғлини уйлади. Неварали-чеварали, ували-жували бўлди. Фарзандлари билан бирга бугунги шукуҳли кунларга етиб келди. Озод ва обод юртимизда кейинги 22 йил ичида эришилган ютуқлардан қувонди. Онахоннинг наздида бу ютуқларни ҳеч бир нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Бебаҳо, асрларга татигулик бу муваффақиятлар онанинг қалбига доимо қувонч бағишлайди. Ўғил-қизларининг шу беқиёс ишларга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганидан дили яйрайди. Кўзининг оқу қораси бўлган Турғун отаси ишлаган мактабда кўп йиллар ёшларга таълим бериб, устоз деган улуғ номга сазовор бўлди. Ота касбини улуғлаётган фарзанд бугун ҳаётдан ўзининг муносиб ўрнини топган, эл эъзозига мушарраф бўлган...

Кўнглидан кечган шу фикрлардан Каромат холанинг дили яйради. Оиласи қуршовида ўз бахтидан мамнун ҳолда ўтирган ўғлига меҳр билан боқди.

Шу пайт келини бирдан:

— Ойижон, телевизорга қаранг, ўғлингиз ҳақида гапиришяпти! — деб қолди.

Онахон билан бирга ҳамманинг нигоҳи ойнаи жаҳонга қадалди. Эндигина бошланган "Ахборот" дастури орқали Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Қаҳрамони унвонини бериш тўғрисида"ги Фармони ўқиб эшиттирилаётган эди.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва ўз халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун Фармонга мувофиқ шундай юксак унвонга сазовор бўлган уч нафар забардаст юртдошимиз орасида Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси Турғун Азларов ҳам бор эди.

Ўша 22 августнинг файзли оқшоми кўпчилик юртдошларимиз қатори бу оила учун ҳам ҳаяжонли кечди. Онанинг кўзидан севинч ёшлари балқди. Қаҳрамон ўғлини бағрига босиб, олий мукофот билан қутлади. Рафиқаси, фарзандлари ҳам оила бошлиғини шундай бахтга мушарраф бўлгани билан чин дилдан табриклашди. Зум ўтмай бу хонадонга янгиликдан хабар топган "Исломобод" МФЙ оқсоқоли Абдусаттор ака етиб келди. Сўнг яқин танишлари, қариндош-уруғлари Турғун акани телефон орқали табриклай бошлашди. Эртаси куни жамоаси, шогирдлари даста-даста гуллар билан устозни қутлагани келишди. У меҳмонларни кутиб олар экан, инсон қадр-қиммати улуғланаётган юртимизда яшашнинг, меҳнат қилишнинг, элга катта наф келтиришнинг ўзи бир бахт эканлигини ҳис этди. Зеро, бахт — ҳеч кимга ғойибдан келмаган. Унга йиллар давомида қилинган ҳалол ва фидокорона меҳнат туфайли эришилган. Истиқлолимизнинг 22 йиллик байрами арафасида юксак мукофотга сазовор бўлган Турғун Азларовда ҳам юртга шундай фидойилик, чексиз меҳру муҳаббат, ёш авлоднинг эртанги камолотига бўлган қатъий ишонч бор.

— Устоз билан ҳақли равишда фахрланамиз, — дейди мактаб директори Содир Абдуллаев. — Дарахт бир жойда кўкаради, деганларидек у жамоамизда сал кам 40 йилдан буён ишлаб, 8, 9-синф ўқувчиларига математика ва информатика фанларидан чуқур сабоқ бериб келмоқда. Ёш авлодни она-Ватанга меҳру муҳаббат руҳида тарбиялаяпти.

Аслида информатика фани умумий ўрта таълимга 1985 йилларда кириб келди. Аммо унинг гуркираб ривожланишига истиқлол йилларида мустаҳкам замин яратилди. Жонкуяр педагог шу соҳада ўқувчиларга таълим-тарбия бериш билан биргаликда мамлакатимиз ўқитувчиларини янги фан бўйича ўқитишга тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ўқув-методик адабиётларни яратиш, "Информатика" курсининг асосларини ишлаб чиқишда, таъминотини яратишда ташаббускорлик кўрсатди. Бевосита амалиётчи ўқитувчи бўлгани учун ҳам янги соҳанинг ҳаётга тез татбиқ этилишига ўз ҳиссасини қўша олди. Халқ таълими вазирлиги тизимида юзага келган бу янгилик тез орада самарасини берди. Эндиликда информатика ўқувчиларнинг энг севимли фани саналади. Унинг машғулотларига ёшлар катта қизиқиш ва кучли иштиёқ билан қатнашадилар. Бунга устознинг иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда катта ютуқларга эришаётгани сабаб бўлмоқда. Ўз фаолияти давомида Турғун Азларов кўплаб шогирдларни тарбиялади. Улар информатика фанидан республика бўйича ўтказилган ўнлаб олимпиадаларда муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритдилар. Уларнинг орасида Дилмурод Абдулҳақов, Константин Ткачук, Шаҳрўз Аширов, ака-ука Акмалхўжа ва Акромхўжа Азларов, Нодир Ҳакимов сингари йигирма нафардан зиёд иқтидорли ўқувчи-ёшларнинг борлиги устозга фараҳлик бағишлайди. Унинг бевосита ташаббуси билан 1992 йили мактабда информатика фанини чуқур ўқитишга ихтисослашган синфлар ташкил этилди. Эндиликда улар янада такомиллашиб, Ўзбекистон Фанлар академияси ва ЎзМУ қошидаги "Янги ахборот технологиялари" илмий-ишлаб чиқариш маркази билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бу синфларда ўқиган ёшлар мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юртларини тамомлаб, ҳозирги кунда информатика ва ахборот технологияларига оид соҳаларда фаолият кўрсатишмоқда.

Эндиликда умумтаълим мактабларида кенг қўлланилаётган "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" дарслиги Т.Азларов меҳнатининг самарасидир. Соҳадаги илмий изланишларини дадил давом эттирган устоз шу фанни ўқитиш методикаси бўйича мамлакатимизда биринчилардан бўлиб номзодлик диссертациясини ёқлади. Ф.Зокирова, Б.Собиров каби шогирдларига илмий раҳбарлик қилиб, уларнинг номзодлик ишларини муваффақиятли ҳимоя қилишларига амалий ёрдам берди. Мамлакатимизда информатика фанини ривожлантиришда ўзига хос мактаб яратди.

— Бугун таълимдаги ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Турғун Азларов. — Соҳада эришилаётган ютуқлар ўзимизни қўйинг, ҳаттоки чет элликларни ҳам ҳаяжонга солмоқда. Мустақилликнинг илк онлариданоқ бизда таълим тизимини ривожлантиришга хизмат қилувчи ўнлаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. "Таълим тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилди. Соҳага бўлган беқиёс эътибор боис давлат дастурига мувофиқ янгитдан қурилган ёки капитал реконструкциядан чиқарилган мактаблар ҳақиқий билим кошоналарига айланди. Уларда яратилган шароитлар фарзандларимизни биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишларига мустаҳкам замин яратди. Таълим тизими такомиллашди. Ўқитувчиларнинг ўз ишларига нисбатан масъулияти ортди. Ахир бугунги ўқувчилар оддий ўғил-қизлар эмас, балки билимга ташна, дунёқараши кенг, келажакка қатъий ишонч билан бораётган, ўз орзу-мақсадлари сари дадил интилаётган иқтидорли ёшлардир. Уларни тарбиялаш, камол топтириш, қолаверса, камолини кўриш биз учун шарафдир.

Турғун Азларов бахтли-саодатли замондошларимиздан бири. Ахир уни дуолари қўллагувчи онажониси Каромат хола, ўзи билан бир мактабда кимё фани ўқитувчиси бўлиб ишлаб, эндиликда кексалик гаштини сураётган турмуш ўртоғи Хуршида опа, отасининг изидан бориб, информатика фани ўқитувчиси бўлиб етишган ва у билан ёнма-ён ишлаётган қизи Назокатхон, иқтисодий соҳаларда меҳнат қилаётган ўғиллари — Акмалхўжа ва Акрамхўжа, ширindан-шакар неваралари, севимли жамоаси, ўнлаб умидли шогирдлари, билимга ташна кўплаб ўқувчилари бор. Юрти тинч. Осмони мусаффо. Истиқлоли боқий. Шундай дориломон кунларда у ўз меҳнатининг самарасини кўраётганидан беҳад бахтиёр. Зеро, ўқитувчилик шундай шарафли, масъулиятли касб. Уни улуғлаганлар асло кам бўлмайди, юртда қадр топади, устоз деган шарафли номга сазовор бўлади.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ,**
«Adolat» мухбири

# Тезкор-қидирув фаолияти такомиллаштирилмоқда

## Қонунчилик

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида барча йўналишларда амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда қонун устуворлигининг таъминланишига хизмат қилмоқда. Айни чоғда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини кафолатловчи мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилинишини мустақил Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг узвий давоми сифатида эътироф этиш мумкин. Зеро, ушбу қонун шубҳасиз, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг кенгайишига кўмаклашади. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Юртбошимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга оширишда «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши мазкур фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари учун улкан аҳамиятга эгалигини, жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга хизмат қилишини таъкидлаб ўтган эди.

Тезкор-қидирув фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг муҳим таркибий қисми сифатида қонунийлик ва ижтимоий ҳаёт тақозоси эканлиги ўз қонуний тасдиғини топди. Ижтимоий турмушни демократлаштириш шароитида бу ўта муҳим бўлиб, қонунчилик даражасида шахснинг дахлсизлигини, унинг мамлакатимиз Конституцияси ва бошқа қонун хужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликларининг кафолатини таъминлайди.

Мазкур қонун белгиланган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун жиноят ишининг мавжудлиги, суриштирув, тергов органларининг ёзма топшириғи, прокурорнинг кўрсатмаси ва топшириғи, агар жиноят иши қўзғатиш учун етарли асослар бўлмаса, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга жиноятларни тайёрлаш, содир этиш аломатлари тўғрисида, шунингдек жиноятларни тайёрлашга ёки содир этишга дахлдор шахслар ҳақида аён бўлиб қолган маълумотлар, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи шахслар, ҳодисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақидаги ахборотнинг мавжудлиги, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга суриштирув ва тергов органларидан, суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган, бедарак йўқолган шахслар, фуқаролар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, бошқа шахслар тўғрисида, шунингдек, таниб олинмаган мурдалар ҳақида аён бўлиб қолган маълумотлар, Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномалари асосида келиб тушган сўровлар, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи бошқа органларнинг сўровлари асос бўлиши мумкин.

Ушбу тадбирларнинг қонунда аниқ мустаҳкамлаб қўйилганлиги, содир этиладиган барча турдаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш, айниқса, уюшган жиноий гуруҳлар фаолиятини фош этиш, бугунги кунда бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган трансмиллий ва трансчегаравий кўринишга эга экстремизм ва терроризм каби ўта оғир жиноятларга алоқадор шахсларни ўз вақтида аниқлашда, гиёҳвандликка қарши кураш борасида амалиётда мавжуд эскича иш усулларидан воз кечишни тақозо этмоқда.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, тезкор-қидирув фаолияти материаллари жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлиши, жиноят иши ўз юритувида бўлган суриштирув, тергов органларига, прокурорга тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилиши, шунингдек, бу материаллардан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси нормаларига мувофиқ жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин. Ушбу қонуннинг 16-моддасида назарда тутилган шартларга риоя этган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилиши мумкин.

Эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлардан яна бири тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи қабул қилинадиган тегишли буйруқ, низом, қўлланма, йўриқнома ва шу кабилардан фойдаланишга қулай бўлиши учун уларни тизимлаштириш чораларини кўриш зарур. Тизимлаштириш, норматив ҳужжатларга ишлов бериш ва бир тизимга солиш механизмини ўзида акс эттириб, улардан фойдаланишни осонлаштиради, нормалар мазмунидаги зиддиятларни бартараф этиш, эскирган нормаларни аниқлаш ва йўқотишга кўмаклашади.

Қонуннинг мазмун-моҳиятини, мақсад ва вазифаларини жамоатчиликка етказиш бўйича кенг кўламли ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш лозим. Ҳозирги кунга келиб ушбу йўналишда турли конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида «Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари гаровидир» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ масъул ходимлари, Олий ҳарбий божхона институти, ИИВ Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти вакиллари, ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ва тингловчилар иштирок этдилар.

"Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ва амалга киритилиши билан камида иккита асосий вазифа ҳал этилишига эришилди:

биринчидан, тезкор-қидирув фаолияти жиноятчиликка қарши курашиш учун расмий давлат-ҳуқуқий мақомга эга бўлди;

энг асосийси, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва тезкор хизматларининг фаолиятида янги, замонавий қонунчилик базасининг мустаҳкам пойдевори вужудга келтирилиб, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асоси яратилди ҳамда у нафақат махсус идоравий норматив ҳужжатлар орқали, балки қонунчилик даражасида ҳам ҳуқуқий тартибга солиниши алоҳида аҳамият касб этди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этиш ва тактикасининг концептуал ва бир қатор асосий қоидаларининг қонуний мустаҳкамланиши уни суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, қонун устуворлиги, қонунийлик, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини, жиноят содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича кўриладиган чораларнинг самарадорлигини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга самарали хизмат қилишини таъминлаш борасида замонавий талабларга мослаштириш имконини беради.

**Б. ЗАКИРОВ,**
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кафедра бошлиғи, юридик фанлари номзоди, доцент

## Сарҳисоб

Ҳар йили ёз мавсумида мактаб ўқувчиларининг таътили бошланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, хусусан, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан бир қатор ишлар амалга оширилади. Жумладан, болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ЙҲХ Бош бошқармаси ташаббуси билан "Таътил" кенг қамровли профилактик тадбири ўтказилади.

# Ҳаммаси болалар учун

Мавсумга тайёргарлик кўриш жараёнида ДЙҲХХ ходимлари томонидан 486 дона йўл белгиси ўрнатилиб, 560 дона эскирган йўл белгилари янгисига алмаштирилди. 1280 погонометр 1-тоифали муҳофазаловчи тўсиқлар ва 707 та йўналтирувчи устунчалар ҳамда кўприкларда 285 погонометр ғилдирак қайтаргичлар ўрнатилди. Бундан ташқари, 479,5 километр йўл қатнов қисми ва 134 та жойда пиёдалар ўтиш жойлари ётиқ йўл чизиқлари билан белгиланди.

Масалан, Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида жойлашган "Камалак" дам олиш оромгоҳига олиб борувчи автомобиль йўлининг маълум қисмига тўлиқ асфальт ётқизилди. 8 километр узунликда ҳар икки йўналиш йўл марзаси мустаҳкамланди. 46 дона йўл белгиси янгисига алмаштирилди.

Бу каби тадбирлар республикамизнинг барча вилоятларидаги болалар дам олиш оромгоҳларига олиб борувчи йўлларда амалга оширилди.

Ёзги дам олиш оромгоҳлари атрофида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, болаларни оромгоҳларга олиб бориб келиш учун ажратилган автобусларнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ДЙҲХХ тизимлари ходимлари, ЙПХ патруль автомобиллари ҳамда кузатув жараёнида ўзаро ва ички ишлар идораларининг бошқа тизимлари ходимлари билан ҳамкорлик ва алоқани таъминлаш мақсадида етарлича миқдорда алоқа воситалари ажратилди.

Шунингдек, болаларни оромгоҳларга ташиш бўйича белгиланган автотранспорт корхоналарида автобус ҳайдовчиларини тўлиқ ўрганиб чиқиш, ажратилган автобусларнинг техник ҳолатини текшириш ва уларни йўналишга чиқишдан олдин текшириб далолатнома тузиш ҳамда ҳайдовчилар билан йўл ҳаракати қоидалари бўйича йўриқномалар ўтказиш ҳақида вазирлик ЙҲХ Бош бошқармаси томонидан ҳудудий ЙҲХБларига тегишли кўрсатма юборилиб, ижроси назоратга олинди.

**Акмал ЮНУСОВ,**
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси инспектори, капитан

Жамият

# Тинчлик —

## мустақил тараққиётимизнинг бош омили



**Қодир ЖЎРАЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

**Ифтихор**

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда улкан ютуқларга эришилганлигини нафақат ватандошларимиз, балки дунёдаги йирик олим ва мутахассислар ҳам эътироф этмоқдалар. Дарҳақиқат, Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» асосидаги ривожланиш натижасида мамлакатимиз қисқа давр ичида асрларга татигулик йўлни босиб ўтишга эришди.

Ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётимизда юз берган ўзгаришлар, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги изчил ислоҳотлар, онг-шууримиз, турмуш тарзимиздаги эврилишлар чиндан ҳам ҳайратланарлидир. Улкан ислоҳотлар натижасини кўриб туриш биз учун катта бахт, албатта. Бу ютуқларга бутун халқ бир тану бир жон бўлиб, аҳил-иноқлик, сабр-қаноат билан, буюк келажагимизга қатъий ишонган ҳолда эришганимизни барчамиз кўриб турибмиз.

Сиёсий соҳада давлатчилик анъаналари қайта тикланди, парламентаризм институти (икки палатали парламентга ўтилди) ривожланди, демократик сайлов тизими шаклланди, кўппартиявийлик тамойили қарор топди, жамиятда сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг роли ва мавқеи юксалди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги иштироки кенгайди.

Эътироф этиш керакки, истиқлол йилларида фуқароларимизнинг онгу тафаккури ўзгарди, уларда ислоҳотларга, кенг қамровли социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга нисбатан дахлдорлик туйғуси, Ватан тақдирига тақдирдошлик ҳисси анча ортди. Мустақиллик даврида шаклланган ва бугун мустаҳкамланиб бораётган мамлакатимиз қиёфаси, шубҳасиз, юртдошларимиз тафаккури ўзгараётгани, уларнинг ислоҳотларга дахлдорлиги ортиб бораётганида яққол кўзга ташланмоқда.

Истиқлол йилларида амалга оширилган кенг миқёсли ислоҳотлар ҳақида фикр юритганда, замонавий миллий армиямизнинг вужудга келганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигига, чегараларимиз дахлсизлигига ҳар қандай тажовузларга муносиб зарба бера оладиган, стратегик ва тактик вазифаларни юқори даражада ҳал қилишга қодир бўлган, яхши қуролланган, профессионал жиҳатдан тўлиқ шаклланган, тезкор Қуролли Кучлар тизмини яратиш ушбу дастурнинг асосий вазифалари эди ва мазкур вазифалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ муддати бир йилгача камайтирилди, ҳарбий қисмларнинг таркиби сифат жиҳатдан ўзгарди, қўшинларни комплектация қилиш ва уларни зарур қурол-яроғлар билан таъминлаш тизими кучайтирилди, шартнома асосида хизмат қилишга ўтиш жараёнлари якунланди. Сержантлар тайёрлаш мактабларини ташкил қилиш ва уларни замонавий ўқув-жанговор жиҳозлар билан таъминлаш Қуролли Кучларнинг жанговор тайёргарлигини тубдан оширди, ҳарбий қисмларда соғлом маънавий муҳитни вужудга келтирди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқаролари Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишни нафақат фуқаролик бурчи сифатида, шу билан бирга энг юксак мақомдаги мутахассислик сифатида қабул қилмоқдалар. Кейинги пайтларда Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга чақириш танлов асосида ўтказилаётганлиги бунинг яққол исбот-далилидир. Армия сафларига хизматга келган ёшларимиз бу ерда фақат ҳарбий мутахассисликни эгаллаш билан чекланаётганлари йўқ. Ҳам жисмонан, ҳам маънан чиниқиб қатъий иродага ва ҳаётий позицияга ҳам эга бўлмоқдалар...

Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг ўз сўзига ва ўз қатъий позициясига эга бўлган нуфузли аъзосига айланди.

Таъкидлаш жоизки, бу ютуқларнинг туб замирида тинчлик деб аталувчи улуғ неъмат ётади. Бир тасаввур қилайлик, тинчлик бўлмаганда, бу ютуқларга эришган бўлармидик?! Йўқ, албатта. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ривожланишнинг "ўзбек модели" муваффақиятининг бош омили юртимизда тинч ва осойишта ҳаёт барқарор таъминланаётганидадир. Айнан тинчлик ва осойишталик туфайли мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги изчил ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мамлакатимиздаги ободлик, тўкин-сочинлик, ривожланиш, бунёдкорлик — буларнинг бари тинчлик туфайлидир. Тинчлик сабабли юртимизда барқарор тараққиёт ва ижтимоий-иқтисодий юксалиш ҳукмрон. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгармоқда, янгидан-янги саноат корхоналари қурилмоқда, темир йўллар ишга тушмоқда, таълим, тиббиёт, маданият, спорт объектлари барпо этилмоқда, аҳоли турмуш даражаси юксалмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг асосини тинчликпарвар ғоя, давлатлараро ва миллатлараро тотувлик, минтақа ва дунёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш каби эзгу мақсадлар ташкил этишини бугун бутун жаҳон ҳамжамияти яхши билади.

Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё минтақаси ядро қуролидан холи ҳудуд деб расман эълон қилинди, минтақа мамлакатлари томонидан имзоланган тегишли шартнома БМТ томонидан расман рўйхатга олинди. Ҳозирда Марказий Осиё минтақаси ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилинган дунёдаги кам сонли минтақалардан бири ҳисобланади.

Айниқса, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимиз ташқи сиёсатининг узоқ муддатли стратегик мақсад ва вазифаларини ўзида мужассам этиб, ҳозирги даврнинг мураккаб хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ташқи сиёсат юритиш имконини беради. Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик маконини яратишга, истиқболда ҳам миллий манфаатларимиз доирасида халқаро ва минтақавий хавфсизлик масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишга кенг ташкилий-ҳуқуқий имкониятлар очади. Аниқроқ айтганда, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепциясининг қабул қилиниши, шак-шубҳасиз давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини мустаҳкамлашга, мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада кучайтиришга, ривожланган демократик давлатлар сафидан жой олишимизга, Ўзбекистон теварагида хавфсиз, барқарор муҳит ва яхши қўшничилик маконини яратишга яқиндан кўмаклашади.

Ўтган давр Ўзбекистонда том маънодаги тикланиш ва мамлакат пойдеворини мустаҳкамлаш даври бўлди. Бунда ўтган йиллар тажрибаси таҳлил этилиб, жаҳондаги давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги тажрибалар ўрганилди. Улар тўпланган миллий тажрибалар билан уйғунлаштирилди. Гарчи давр, шароит, қарашлар, онгу тафаккуримиз ўзгарган бўлса-да, жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, халқаро муносабатлардаги ёндашувлар юртимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори, мамлакатимиз қиёфаси, унинг шаъни учун тинмай меҳнат қилишимиз лозимлигини англатади.

Барчамизга маълумки, муҳтарам Юртбошимиз томонидан Ўзбекистонни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишдек старегик мақсад белгилаб олинган. Бунинг учун, энг аввало, юртимиз тинчлиги ва барқарор тараққиётига бўладиган ҳар қандай кўринишдаги таҳдид ва хуружларга нисбатан огоҳ бўлиш, нафақат огоҳ бўлиш, балки уларга қарши кескин кураш олиб бориш, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашни талаб этади. Бир сўз билан айтганда, шу азиз ва муқаддас Ватан манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз ва масъулиятимизга айланмоғи даркор.

# Ўзбекистон «Адолат» СДП:

## истиқлол шодиёналари

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши ташаббуси билан Нишон туман партия кенгаши ҳамкорлигида ҳудуддаги "Балхияк" ва "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтган байрам тадбирлари ҳам ушбу қутлуғ сана моҳиятига бағишланди.

"Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" мавзуида уюштирилган давра суҳбатида сўзга чиққан вилоят партия Кенгашининг "Аёллар қаноти" раиси Азима Зайнуддинова истиқлол халқимизга, энг аввало, ўзлигимизни англаш, инсон манфаатлари устувор бўлган янги, эркин, демократик жамият қуриш, миллий қадриятларни тиклаш, улуғ аждодларимизнинг бебаҳо маънавий меросидан баҳраманд бўлиш ҳамда ўзимизга хос ва мос турмуш тарзини белгилаш имконини берганлигини алоҳида таъкидлади.

— Истиқлол боис биз учун дунё эшиклари, манфаатли ҳамкорлик йўллари кенг очилди, — деди А.Зайнуддинова. — Бу жараёнда ҳар биримиз ўз салоҳиятимиз, иқтидоримизни ишга солиб фаол иштирок этмоғимиз лозим.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида эришилган тарихий ютуқларни бугун ҳаётимизнинг барча соҳаларида кўриш мумкин. Давра суҳбатида кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилган партия вилоят Кенгаши раиси биринчи ўринбосари Рўйиддин Раупов йиғилганлар эътиборини тинчликнинг қадрига етиш зарурлигига қаратди.

— "Адолат" СДПнинг вазифаларидан бири мустақиллик моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, одамларнинг эртанги кунга, ёрқин келажакка бўлган умид ва ишончини мустаҳкамлаш, Ватанга муҳаббат туйғусини кучайтиришдан иборат, — деди маърузачи. — Биз фаоллар шундай йўл тутиб, фуқаролар онги ва шуурига истиқлол ғояларини чуқур сингдирсак, ўйлайманки, ҳар бир юртдошимиз истиқлолни тўлалигича ҳимоя қилади, мамлакатимиз равнақи учун ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга қодир бўлади. Шунингдек, мустақилликни турли таҳдидлардан ҳимоя қилишни ўзининг инсоний бурчи, деб ҳисоблайди.

Тадбирда сўзга чиққан бошқа партия фаоллари ҳам юртимиздаги бугунги тинч-тотувлик ва фаровонлик истиқлол туфайли эканлигини алоҳида қайд этдилар. Шу билан биргаликда, анжуманда обод юртимизни шарафлаш, миллатимиз эртасига дахлдорлик туйғуси билан яшаш ҳар биримизнинг маънавий бурчимиз эканлиги ҳам эътироф этилди.

**Комил САХАТОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Қашқадарё вилояти Кенгаши матбуот котиби

Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгаши томонидан Нукус шаҳридаги 20-сонли маҳалла фуқаролари йиғини турғунларида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилган маърифий байрам тадбири барчада катта таассурот қолдирди.

Унда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари аҳолига қулайлик яратиш, инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлашди. Ватан, истиқлол, тинчликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради, айниқса, Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси, ёш шоир Ривож Утарнинг ана шундай руҳиятда ўқиган шеърлари тадбир иштирокчиларга манзур бўлди.

— Халқимиз азалдан яхшиликка, яхши кунларга, хурсандчиликка интиқ яшайди, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Ерназар Куннazaров. — Ватанимиз мустақиллиги куни юртимизда ўзгача руҳ ва кўтаринки кайфиятда кенг тантана қилинаётгани мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик, фаровонлик ва бунёдкорлик барқарорлиги туфайлидир.

**Шарипа ТОРЕШОВА,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши
матбуот котиби

Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши томонидан "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида Урганч шаҳридаги «Навбаҳор» маҳалласида ўтказилган учрашув истиқлолни, она-Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар билан бошланди.

Партиянинг вилоят Кенгаши раиси Н.Эшметов йиғилганларга мустақиллик йилларида барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқлар, фидойи замондошларимизнинг яратувчилик ва бунёдкорликлари ҳақида сўзлаб берди. Айниқса, Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, «Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ободонлаштириш ишларини ва Хоразм вилояти аҳолисининг ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари», «Хоразм вилоятида 2013-2015 йилларда туризм соҳаларини ривожлантириш тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни аниқ мисоллар, кўргазмали воситалар орқали тадбир иштирокчиларига етказилди.

— Юртимизда амалга оширилаётган янгиланишлар, ободончилик ишларини кўриб, айниқса, биз кексаларнинг қалбимиз фахрга тўлмоқда, — деди «Навбаҳор» маҳалласида истиқомат қилаётган меҳнат фахрийси Илҳомбой Юсупов. — Кўз олдимизда шаҳримиз янги қиёфа касб этмоқда. Уйимиз «Ёшлар кўли»нинг шундай олдида. Бугун бу ер таниб бўлмас даражада яшнаб, чирой очмоқда. Буларнинг бари истиқлол берган беқиёс имкониятлар самараси, албатта.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Гавҳаржон Ибодуллаева ҳамда вилоят партия Кенгашининг «Аёллар қаноти» раиси Замира Абдуллаевалар ўзларининг муқаддас диёримиз, қадриятларимиз, меҳр-мурувватни мадҳ этувчи шеърлари билан йиғилганлар қалбини ғурур ва ифтихор туйғулари билан тўлдирдилар.

**Иқболой НИШОНБОЕВА,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти Кенгаши матбуот котиби

# Сиёсий партиялар фракцияларининг

## партия гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорлиги

**Концепция — устувор вазифалар**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятини кафолатловчи зарур ҳуқуқий асослар яратилди ва амалда самарали татбиқ этилмоқда. "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрни ва аҳамиятини тубдан кучайтириш йўлида муҳим қадам бўлди.



Мазкур қонун сиёсий партияларнинг вакиллик ва ижро органларини шакллантиришда фаол иштирок этиши, ҳукумат тузилмалари, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларининг партия гуруҳлари олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш учун зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратди.

Давлатимиз раҳбари *"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"* номли маърузасида мамлакатимизни ислоҳ этишда сиёсий партияларнинг ўрнига алоҳида тўхталиб, ислоҳотларнинг муваффақияти сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлади.

Ҳозирги кунда давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партияларнинг роли ва таъсири ортиб бормоқда. Улар вакиллик органлари фаолиятининг турли йўналишларида фаолият юритмоқда. Бундай йўналишлардан бири сифатида депутатлик бирлашмалари (фракциялар, партия гуруҳлари)ни кўрсатиш мумкин. Қайд этиш керакки, фракция Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, партия гуруҳи эса маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини ифодалаш мақсадида тузилади. Улар марказда ҳамда жойларда ижро этувчи ҳокимиятни шакллантиришда фаол қатнашувчи субъектлардан бири бўлиб, сиёсий партия ва давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ўртасида асосий боғловчи бўғинлардан биридир.

Бу эса ўз навбатида сиёсий партиялар ва депутатлик гуруҳларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлашга замин яратади.

Айни вақтда сиёсий партиялар фракциялари ва партия гуруҳлари ўзаро ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ва шаклларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

*Биринчи шакли,* қонун лойиҳаларини такомиллаштиришдаги ўзаро ҳамкорлик бўлиб, у фракцияга тегишли таклифларни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш учун келиб тушган қонун лойиҳаларини бир вақтнинг ўзида партия гуруҳларига юбориш, шунингдек, фракция аъзоларининг жойларга чиқиши ва қонун лойиҳаларини маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари иштирокида партия электорати манфаатларини ҳисобга олган ҳолда муҳокама қилишни ўз ичига олади.

*Иккинчи шакли,* самарали парламент назоратини амалга оширишдаги ўзаро ҳамкорлик бўлиб, у ҳуқуқни қўллаш амалиётини мунтазам равишда мониторинг қилиш, қонунчиликдаги "оқ доғларни" аниқлаш, қонунчиликни такомиллаштириш учун таклифлар киритиш, шу билан бирга партия гуруҳларини фракция ташаббуси билан ташкил қилинадиган эшитувларни тайёрлаш жараёнига жалб қилиш орқали амалга оширилади.

*Учинчи шакли,* жойлардаги сайловчилар билан алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларидаги ўзаро ҳамкорлик бўлиб, у фракция аъзоларининг сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлари вақтида айрим маҳаллий масалаларни ҳал этишда партия гуруҳларининг, депутатларнинг иштирок этиши орқали амалга оширилади.

Мухтасар қилиб айтганда, сиёсий партиялар фракциялари ва партия гуруҳларининг ўзаро самарали ҳамкорлиги, аввало, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва такомиллаштиришда партия электорати манфаатлари тўлақонли ҳисобга олинишига, самарали парламент назоратини амалга оширишда партия гуруҳларининг фикр ва таклифлари орқали иштирокини таъминланишига ҳамда депутатларнинг сайловчилар билан алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Давронбек ОЛИМОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

# «ШЎРТАНГАЗКИМЁ»

## мажмуаси жамоаси

барча юртдошларимизни,
нефть ва газ саноати ходимларини
энг улуғ, энг азиз байрам —
*Мустақиллигимизнинг*
*22 йиллиги билан*
муборакбод этади!



Она-Ватанимиз ободлиги ва ҳаётимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Юртимизда тинчлик, хонадонларимизда тотувлик, кўнгилларда кўтаринкилик доимо бардавом бўлсин!



ОНА ДИЁРИМИЗНИНГ
МУСАФФО ОСМОНИ УЗРА
ҲУРРИЯТ ҚУЁШИ АБАДИЙ
НУР СОЧИБ ТУРСИН!



## 22 йил!

## Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши фаоллари

бутун Ўзбекистон халқини, шу жумладан, партия аъзоларини энг улуғ ва энг азиз байрам — **ВАТАНИМИЗ ИСТИҚЛОЛИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ** айёми билан самимий муборакбод этади!



*Муборак айём ҳар бирингизга олам-олам қувонч бағишласин, оилаларимиздан қут-барака аримасин.*

*Ҳамиша осмонимиз мусаффо, заминимиз тинч ва фаровон бўлсин!*








**Мустақиллигимиз абадий бўлсин!**

## Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши фаоллари

*Она-Ватанимиз аҳлини, партиядошларни қутлуғ айём — Мустақиллик байрами билан самимий муборакбод этади!*

**Барчага хушкайфият тилайди. Ҳар бир хонадон айём шодиёналари зиёсидан мунаввар бўлсин!**

**Истиқлол қуёши абадий порласин!**





### Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси

## «КОГОНЁҒ» ОАЖ ЖАМОАСИ

меҳнатсевар, бунёдкор халқимизни энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

*Барча юртдошларимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, шарафли ишларида улкан зафарлар тилайди.*

*Истиқлол шукуҳи ила жонажон Ўзбекистонимиз йил сайин тараққий этиб, гуллаб-яшнаб бормоқда. Унинг бугунги истиқболига, эришган барча ютуқларига асло кўз тегмасин.*



**Мусаффо осмонимиз доимо тинч, турмушимиз гўзал ва фаровон бўлсин, азиз юртдошлар!**



## Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши фаоллари

юрдошларимизни улуғ ва ҳаммамиз учун азиз айём — Истиқлолимизнинг 22 йиллиги билан қутлайди!



**Барча-барчангизга узоқ умр, оилавий бахт, бунёдкорлик ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.**






**Ўзбекистон аталмиш заминимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!**




# Фарзандларимиз соғлом улғайсин

**«Адолат»нинг адолатли аёллари**

Бугунги кун ўзбек аёли. Кўз олдимизда назокатли, серҳаракат, оиласию фарзандлари тарбиясидан ортиб, жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатаётган жонкуяр инсонлар гавдаланади. Ана шундай аёлларимиздан бири Қизилтепа туман Кенгаши депутати, "Ғамхўр" қишлоқ врачлик пункти мудираси Обида опа Ҳамроева билан бўлган суҳбатимиз қишлоқ аёлларининг турмуши, аҳолининг репродуктив саломатлиги, тиббий кўриклар ҳамда депутатлик фаолияти ҳақида бўлди.



— ***Аввало, бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган аҳолининг репродуктив саломатлиги борасида сиз иш олиб бораётган ҚВПда амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталсангиз.***

— Чиндан ҳам жамият тараққиётида саломатлик энг муҳим омиллардан бири саналади. Бизнинг ҳудудимизда тўрт ярим мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Эътиборимиз марказида бўлган болалар ва ўсмирлар, шунингдек, туғиш ёшидаги аёлларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш кундалик фаолиятимиз асосидир. Зеро, келажак авлодларимизнинг ҳар жиҳатдан баркамол вояга етишини таъминлаш — асосий вазифамиз. Бу ерда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизимли йўлга қўйилган. Ҳар куни ҳудудларга бириктирилган патронаж ҳамширалари хонадонларга кириб, оила аъзоларининг саломатлигини текширишади, тарқалиш хавфи кучайган касалликлар тўғрисида маълумотлар беришади.

— ***Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ ва эрта турмуш қуришнинг оғир оқибатлари ҳам эътиборингизда бўлса керак...***

— Албатта, репродуктив саломатлик, ўз навбатида, эрта никоҳнинг олдини олиш билан бевосита боғлиқ бўлган жараён. Бунда бизга Президентимизнинг 2009 йил 1 июлда эълон қилинган "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги қарори билан тасдиқланган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Низом ва бир қатор норматив ҳужжатлар дастуриламал вазифасини бажармоқда. Никоҳланувчи ёшлар тиббий кўрикдан ўтиш орқали жамиятда соғлом оилани шакллантиришга пойдевор яратиш, ирсият билан боғлиқ туғма касалликларнинг олдини олиш билан бир қаторда, ўз саломатлиги ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўладилар. Агар уларда бирор касаллик аниқланса, тўйдан олдин уни даволаш чоралари кўрилади. Тарғибот ишларини "Ғамхўр" маҳалласи фаоллари билан биргаликда олиб бораётганимиз фаолиятимизда қўл келмоқда. Айниқса, ҳудудимиздаги ўқув муассасаларида таҳсил олаётган ўсмир қизлар ўртасидаги тушунтириш табирлари таъсирчан ва қизиқарли ўтаётгани бизни қувонтиради. Бўлажак оналар, келажак авлодни баркамол вояга етказувчи инсонлар эрта никоҳ ва қариндош-уруғлар ўртасидаги ришталар хунук оқибатларга олиб келишини тушуниб етмоқдалар.

— ***Она ва бола саломатлигини таъминлаш масаласига қандай эътибор қаратилмоқда?***

— Маҳалламизда 1300 га яқин туғиш ёшидаги аёллар яшайди. Улардаги ҳомиладорликни эрта аниқлаш чоралари кўрилади, ҳомиладор аёллар эса мунтазам равишда назоратимизда. Ҳомиладор оналардаги ҳар бир ўзгариш эътибордан четда қолмайди. Аёлларимизга бир неча йиллардан буён комплививит "Мама" витаминлар жамланмасини бепул тарқатамиз. Яқиндан витаминларга бой "Ветрумпринатал" дори воситаларини беришни бошладик.

— ***Мана шу дори-дармонларнинг фойдаси сезилдими?***

— Албатта, охирги пайтларда ҳомиланинг тушиш хавфи, ҳомила гепокцияси (она қорнида кислород етишмаслиги), камқонлик сезиларли даражада камайди, туғриқ жараёнининг асоратларсиз енгил ўтишига эришилмоқда. Туғилаётган чақалоқларнинг вазни ва бўйида ҳам ижобий ўзгаришлар бор. Агар она ҳам, бола ҳам соғлом бўлишини истасак, бизга яратилаётган имкониятлардан тўлиқ фойдалана билишимиз лозим. Келажакда бу саъй-ҳаракатларимиз бундан-да яхши натижалар беришига ишонаман.

— ***Ўзбекистон "Адолат" СДПдан Қизилтепа туман Кенгаши депутати сифатида сайловчилар мурожаатларига вақт топа оляпсизми?***

— Депутатлик катта масъулиятдир. Одамлар менга ишонч билдирдими, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш, тумандаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросида иштирок этиш ва жўяли ташаббусларни илгари суриш депутат сифатидаги биринчи вазифамдир. Аммо ўз ишимдан тўла қониқмайман. Олдинда жуда кўп вазифалар турибди.

Шунга қарамай, сайловчиларнинг ижтимоий таъминот, пластик карточкалар, хизмат кўрсатиш борасидаги айрим масалалар бўйича мурожаатларини ҳал қилишга уринаяпман. Ҳеч бир мурожаатни назаримдан четда қолдирмайман. Ўзбекистон «Адолат" СДП вилоят ва туман кенгашлари уюштираётган тадбирларда, жамоат ишларида мунтазам иштирок этаман. Яқинда бир хайрли ишни бошлаш арафасида турибмиз. Маҳалладошларимизнинг оддий бир дори учун ҳам туман ёки вилоят марказига боришининг олдини олиш учун "Ғамхўр" маҳалласида дорихона очиш саъй-ҳаракатларини бошладик. Бу масала ҳам тез кунларда ижобий натижасини топади.

Бир сўз билан айтганда, аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори бўлган «Адолат» СДПнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ғоялари, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини таъминлашга қаратилган дастурий вазифалари ижросини таъминлаш, шу орқали сайловчилар ишончини оқлаш кундалик ҳаётим мазмунига айланган.

**Нигора РЎЗИЕВА**
суҳбатлашди.

---

AGROBANK

# Кредитлар эвазига янги иш ўринлари

**Молия муассасаларида**

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш эвазига унинг иқтисодиётдаги салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Банклар томонидан берилаётган кредитлар соҳа равнақида алоҳида аҳамият касб этаётир.

Мисол учун, Агробанкнинг Андижон вилояти бошқармаси филиаллари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашга 2013 йил 1 август ҳолатига 26,7 миллиард сўмдан зиёдроқ кредит маблағлари ажратилди. Асосийси, ушбу банк кредитлари эвазига жойларда жами 1982 та ишчи ўрни яратилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 1 август ҳолатига ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлик субъектлари учун жами 7,3 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Жумладан, Булоқбоши туманидаги "Булконтранстагро" МЧЖга нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида 100 миллион сўм миқдорида банк кредити ажратилган бўлиб, бунинг ҳисобига 5 та янги иш ўрни яратилди.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан банк томонидан жорий йилнинг 1 август ҳолатига ишлаб чиқарувчиларга 4,7 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ўз тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришига ёрдам беришга муҳим эътибор қаратилмоқда. Ушбу хайрли ишга Агробанкнинг Андижон вилоят бошқармаси ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айниқса, ўз бизнес лойиҳалари билан банк остонасига кўмак сўраб келаётган коллеж битирувчиларига кўрсатилаётган ёрдам, уларнинг истиқболли лойиҳалари банк кредитлари билан қўллаб-қувватланаётганлиги айни муддао бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2013 йил 1 август ҳолатига 701 миллион сўм кредит ажратилди. Бунинг натижасида 172 та янги иш ўрни барпо этилиб, кўплаб ёшлар ўзлари эгаллаган касб-ҳунар йўналишида меҳнат қилишмоқда.



Шаҳрихон туманидаги Шаҳрихон қишлоқ хўжалиги коллежи битирувчиси, якка тартибдаги тадбиркор Исломжон Отажоновга тикувчиликни ривожлантириш мақсадида 19 миллион сўм миқдорида банк кредити ажратилган бўлиб, бунинг ҳисобига 5 та янги иш ўрни барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан жорий йилнинг 1 август ҳолатига 586 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

— Фаолиятимизни кенгайтириш, тикувчиликни ривожлантириш мақсадида Агробанкка кредит сўраб мурожаат қилгандик, — дейди Избоскан туманидаги "Янги замон либослари" оилавий корхонаси раҳбари Ҳожияхон Бахтиёржонова. — Кўп ўтмай мурожаатимиз қаноатлантирилиб, бизга 15 миллион сўм миқдорида банк кредити ажратилди. Кредитга керакли дастгоҳларни харид қилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирдик. Қўшимча янги иш ўрни яратилгани натижасида 5 киши ҳам ишли бўлди.

Таъкидлаш керакки, Агробанкнинг Андижон вилоят бошқармаси томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш мақсадида ҳам кредит маблағлари ажратиб келинмоқда. Банк кредитлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар натижасида ҳудудда тармоқлар ривожланиб, ишлаб чиқариш салмоғи ортмоқда, кўплаб иш ўринлари яратилмоқда. Асосийси эл дастурхони янада тўкинлашиб, фаровонлик юксалмоқда.

Жорий йилда қорамолчиликни ривожлантиришга 4,9 миллиард сўм, паррандачиликни ривожлантиришга 878 миллион сўм, балиқчиликни ривожлантиришга 713 миллион сўм, асаларичиликни ривожлантиришга 155,5 миллион сўм банк кредитлари ажратилгани ҳам фикримизнинг яққол тасдиғидир. Бундан ташқари, интенсив боғдорчиликни ривожлантиришга 583 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

Булоқбоши туманидаги «Тўхтасинбой» деҳқон хўжалигига 2013 йил февраль ойида интенсив боғ ташкил этиш мақсадида 50 миллион сўм миқдорида банк кредити ажратилди, бунинг ҳисобига 3 та янги иш ўринлари яратилди.

Бир сўз билан айтганда, Агробанкнинг Андижон вилоят бошқармаси жамоаси вилоятда истиқомат қилаётган оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда, шунингдек, вилоят иқтисодиётини кўтаришда, хусусан, қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришда муносиб фаолият кўрсатиб, бор куч ғайратларини сафарбар этмоқда.

**Абдуғани СОДИҚОВ,**
«Adolat» мухбири

---

Reklama

# Бунёдкорлик — мўъжиза яратишдир

**—дейди андижонлик қурувчи Раҳматилло Солиев**

Халқимизда азал-азалдан йўл қурган, таълим даргоҳлари барпо этган, ободончиликка ҳисса қўшганлар эъзоз топган. Андижонлик моҳир қурувчи, ўттиз йиллик тажрибага эга Раҳматилло Солиев ҳам шундайлардан.



Раҳматилло ака 2005 йилда "Таълим, қурилиш ва таъмирлаш" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. Корхонанинг номи ҳам бундай аталиши бежизга эмас. Боиси, қаҳрамонимиз "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури" асосида дастлаб ишни таълим даргоҳларини бунёд этиш, капитал реконструкция юмушларидан бошлади. Бунинг исботи ўлароқ, қурувчилар жамоаси шу бугунги кунларда ҳам Жалақудуқ туманидаги 32-мактаб, Хонобод шаҳридаги 2-мактаб бинолари қурилишини ниҳоясига етказмоқда. Ҳозирга қадар эса Андижон шаҳридаги 6 та мактабгача таълим муассасаларини жорий ва мукаммал таъмирдан чиқаришди.

Раҳматилло ака фақатгина таълим даргоҳларини барпо этиш билан чекланиб қолмай, балки ободончилик, халқимиз яшаш турмуши ва фаровонлигига ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келаётир. Хусусан, ўтган йили Жалақудуқ туманидаги "Ойим" МФЙ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қудуқ қазилиб, 3 километрлик сув қувурлари тортиб берилди. Бундан ташқари, ушбу ҳудудда 10 та намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида топширилиб, хонадон эгаларига тўйга тўёна сифатида туҳфа этилди. Албатта, бу каби бунёдкорлик ишларида "Таълим, қурилиш ва таъмирлаш" масъулияти чекланган жамияти ишчи-ходимларининг машаққатли, бироқ савобли хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Айни пайтда Раҳматилло Солиев бошчилик қилаётган жамиятда 50 нафар ишчи-ходим доимий меҳнат қилмоқда. Иш қизғин, мавсумий пайтларда жамоанинг сафи 150-200 нафарга ортади. Бу ерда ҳар бир соҳанинг сир-синоатларини пухта эгаллаган, малакали қурувчи-бунёдкорлар фаолият кўрсатади. Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар деганларидек, корхона тасарруфида 15 та турли русумдаги қурилиш техникалари нуқсонсиз ишлаб турибди.



Бугунги кунда юртимизнинг барча гўшаларида улкан қурилиш, бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Табиийки, қурилиш материалларига бўлган талаб ҳам шунга яраша. Шуни инобатга олган Раҳматилло Солиев ўз фаолиятини янада кенгайтириш, энг муҳими қўшимча иш ўринлари яратиш, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида қурилиш материаллари ва деворбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Ҳозирда бу ерда цех ва қурилиш материаллари қолиплари тайёрланиб ўрнатилмоқда.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, корхона раҳбари зуваласи қурилишда пишган, 30 йиллик тажрибага эга моҳир қурувчи. Вилоятнинг барча ободончилик, бунёдкорлик ишларида фаол иштирокчи. Савобли, хайрли ишлардан ҳам ҳеч қачон ўзини четга олмайди. Қаҳрамонимизнинг "Ватан менга нима берди деб эмас, мен Ватанга нима бердим" шиори остида фаолият юритишлари, елиб-югуришлари бизни қувонтирди. Раҳматилло ака олий маълумотли, уч нафар фарзанднинг суюкли отаси. У кишидан оила аъзолари ҳақида сўраганимизда, "Уларнинг барчаси бугунги кунда олий маълумотли мутахассислар. Бундай файзли, тинч-осуда ҳаётимиз, обод масканларимиз албатта Мустақиллигимиз шарофатидандир", дейди.

**Давур ЖОЗИЛОВ**

# ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

## Сессия кун тартибида:

### истеъмолчилар манфаати

**Депутатлик гуруҳларида**

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи томонидан киритилган «Олмалиқ шаҳар, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ туманларида аҳолига пластик карточкалар орқали пуллик хизмат кўрсатишнинг мониторинги натижалари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.



Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолига савдо ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларга қулайликлар яратиш борасида катта ютуқларга эришилмоқда. Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси асосида жойларда накд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилаётир.

Шу ўринда пластик карточкалар ёрдамида тўловларни қабул қилувчи терминаллар билан таъминланиши керак бўлган савдо ва пуллик хизматлар соҳаси объектлари рўйхатини кенгайтириш ва уларни босқичма-босқич тўлов терминаллари билан жиҳозлаш чораларини кўриш масаласини ўрганиш, бу юзасидан тегишли мутасадди ташкилотлар, вазирлик ва идораларга таклифлар киритиш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ушбу масаланинг моҳиятини тўғри англаган Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши ва депутатлик гуруҳи партиянинг дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, жойларда банк пластик карточкаларидан фойдаланиш ҳолатини жамоатчилик назорати асосида ўрганиш каби ишларда фаоллик кўрсатмоқда. Ушбу вазифаларни амалга оширишда партиянинг ижтимоий шериклари билан ҳамкорлиги, айниқса, кутилган натижани бермоқда.

Маълумки, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи ҳамда вилоят Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ҳамкорлигида Президентимизнинг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг Олмалиқ шаҳри, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ ҳамда Қуйи Чирчиқ туманларидаги ижроси ўрганилган эди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида сўзга чиққан "Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари" бўйича доимий комиссия раиси ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари Зарифа Эралиева сайловчилардан тушган мурожаатлар асосида терминаллар биринчи галда ўрнатилиши мажбурий бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, жойлардаги бозорлар, озиқ-овқат ва бошқа турғун савдо шохобчалари кенг жамоатчилик фикри асосида ўрганилганлигини таъкидлади.

Қайд этилганидек, Президентимизнинг юқоридаги қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда 2013 йил биринчи ярим йиллик ҳолатига кўра тижорат банклари томонидан жами 9,5 млн. донадан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилган ҳамда пластик карточкалардан фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси объектларида 113,6 мингдан ортиқ тўлов терминаллари ўрнатилган.

Жумладан, вилоятда ҳам пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, накд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришни рағбатлантириш ва банкдан ташқари накд пул айланмасини қисқартириш, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда илғор банк технологияларини жорий этиш асосида хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент вилоятининг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бу борада вилоятдаги туман, шаҳарларда аҳоли ва истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида "Обод турмуш йили" Давлат дастури бандлари ҳамда Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари асосида Олмалиқ шаҳри, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ ҳамда Қуйи Чирчиқ туманларида пластик карточкалар асосида накд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ижросида эришилган ютуқлар билан бир қаторда муайян камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди.

Сессияда Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти депутатлик гуруҳи раҳбари З.Эралиеванинг кўтарилган масала юзасидан ахбороти маълумот ва ижро учун қабул қилиниб, мониторинг давомида аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, шаҳар ва туман ҳокимлари, мутасадди ташкилот ва бошқармалар ҳамда тижорат банклари раҳбарлари зиммасига вазифалар юклатилди.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири

---

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами қизғин нишонланмоқда. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» эзгу ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида партия вакиллари ҳам фаол иштирок этишмоқда.

## Ўзбекистон «Адолат» СДП:

### истиқлол шодиёналари

**ФАРҒОНА**. Вилоят партия Кенгаши томонидан Фарғона тумани Чимён қишлоғидаги «Башорат» ижтимоий адаптация марказида ташкил этилган тадбирда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган тубислоҳотлар, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик барча соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқларда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Узоқни кўзлаб олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли ҳар бир соҳада йилдан-йилга юксак натижалар қўлга киритилиб, халқимиз турмуш даражасини яхшилаш, ҳаётини янада фаровон қилиш учун мустаҳкам асос яратилмоқда. Шубҳасиз, бунда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувликнинг аҳамияти беқиёс.

Тадбирда сўзга чиққанлар бу доримомон кунларнинг қадрига етиш, фарзандларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларни яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланишга ўргатиш лозимлиги хусусида ҳам гапирдилар.

**Бахтиёржон АЛИЕВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Фарғона вилояти Кенгаши матбуот котиби

**СУРХОНДАРЁ.** Ўзбекистон «Адолат» СДП Термиз шаҳар Кенгаши томонидан шаҳардаги «Гулистон» маҳалласида мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилган маданий-маърифий тадбирда юздан ортиқ фуқаролар иштирок этишди.

— Халқимизга байрамона кайфият улашиш мақсадида ташкил этилаётган бундай тадбирлардан ҳамма хурсанд, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП Термиз шаҳар Кенгаши раиси, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати Бекмурод Ашуров. — Одамларда байрам кайфияти яққол сезилиб турибди. Замонавий уй-жойлар, бири-биридан кўркам иншооту бинолар, турфа гулларга бурканган кўчаларни кўриб, кўз қувнайди.

Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли бугун юртимизда тўкин-сочинлик, фаровонлик ҳукм сурмоқда. Шаҳримизнинг ҳар бир маҳалласи, ҳар бир кўчасида бунёдкорлик, ободончилик ишлари авжида. Энг муҳими, одамларнинг эртанги кундан кўнгли тўқ.

**Райҳон ЖУМАЕВА,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сурхондарё вилояти Кенгаши матбуот котиби

**ЖИЗЗАХ**. Ўзбекистон "Адолат" СДП Мирзачўл туман кенгаши ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 22 йиллиги олдидан "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида тумандаги "Алпомиш" ўйингоҳида оилавий жамоалар ўртасида футбол мусобақаси ташкил этилди. Унда тумандаги "Мирзадала" шаҳар фуқаролар йиғини ҳудудидаги олтита жамоа ўзаро беллашдилар.



— Истиқлол йилларида барча соҳаларда бўлгани каби жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, — деди Жиззах вилоят партия Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Рустам Тўйчиев. — Айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида ёшларимиз спортнинг турли йўналишлари бўйича нуфузли мусобақаларда совринли ўринларга даъвогарлик қилишаётир. Шу маънода партиямиз ҳам жойларда аҳолининг кенг қатламини оммавий спортга жалб қилиш ва бу орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга дастурий вазифа сифатида ёндашиб келмоқда. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур мусобақа ҳам оилаларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва барчага байрамона кайфият улашишга хизмат қилади.

Давлатимиз мадҳияси остида бошланган мусобақада томошабинлар бир-биридан қизиқарли ўйинлар гувоҳига айланишди. Муросасиз баҳслар натижасида финалга Баратовлар оиласининг "Қувонч" ҳамда Муҳаммадиевлар оиласининг "Истиқлол" жамолари йўл олишди. Ўйиннинг иккинчи бўлимида "Қувонч" жамоаси томонидан киритилган ягона гол билан Баратовлар оиласи мусобақа ғолиби бўлди.

Мусобақа сўнггида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Жиззах вилояти Кенгаши матбуот котиби

---

**Тадбир**

Партияларнинг сиёсий майдондаги нуфузи унинг халқ орасига ўз дастурий ғоялари билан чуқур кириб бориши, аҳоли орасида ўз тарафдорларига эга бўлиши билан белгиланади. Бу жараёнда партияларнинг қуйи бўғинлари муҳим ўрин тутади.

## Қуйи бўғин ишини жонлантириш лозим

Бугунги кунда Жиззах вилоятида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 68 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда. Сон эмас, сифатни устун қўйган вилоят Кенгаши аъзолари яқинда Ғаллаорол туман тиббиёт бирлашмасида "БПТ фаолияти самарадорлигини ошириш" мавзусида давра суҳбати ташкил этишди.

Тадбирда бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини ошириш йўл-йўриқлари, тумандаги мавжуд йирик саноат ташкилотларида тарафдорларни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

— Ҳозирги кунда Ғаллаорол туманида 271 нафар партия аъзолари 4 та БПТ атрофига жипслашган. Қуйи ташкилотлар партиянинг кўзгуси бўлганлиги учун ҳам партиянинг вилоят Кенгаши томонидан мунтазам равишда семинар-тренинг ва сиёсий ўқувлар ташкил этилмоқда, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилояти Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Рустам Тўйчиев. — Аммо тумандаги йирик корхоналарда ўз аъзоларимизни кўрмаяпмиз. Ваҳоланки, туманда ишлаб чиқаришда ўз ўрнига эга ташкилот ва корхоналарни етарлича топиш мумкин.

Анжуман давомида партия маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқ ва ваколатлари, корхона ва муассасаларда тузилган БПТлар ишини тўғри ташкил этиш қоидалари хусусида ҳам маслаҳатлар берилди.

— Ушбу семинар биз учун жуда фойдали, деб ҳисоблайман, — дейди «Гулистон» касб-ҳунар коллежи бошланғич партия ташкилоти етакчиси Маҳфуза Мамурова. — Бугун биз бу ерда БПТ фаолиятини янада кучайтириш, тарафдорлар сонини кенгайтириш ҳамда қуйи бўғин ва ҳудудий кенгашлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда нималарга эътибор беришимиз лозимлиги хусусида ўзимизга керакли маълумотларни олдик. Ўйлайманки, бундай давра суҳбатлари кўпроқ ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тадбир якунида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, мавзу юзасидан интерфаол машғулотлар ўтказишди. Унда "Туман (шаҳар) миқёсидаги партия электорати яшаб турган ҳудудни БПТ фаолияти билан тўлиқ қамраб олишни таъминловчи муқобил ташкилий тузилмани тузишнинг амалий масалалари", "Ижтимоий-сиёсий ишларнинг замонавий шаклларидан фойдаланиш орқали электорат орасида тарғибот-ташвиқот ва маърифий тадбирларни ўтказишда БПТ ва ҳудудий кенгашлар ҳамкорлигини таъминлаш", "БПТнинг партия электорати манфаатларига тааллуқли давлат қарорлари ва қонун ижросини таъминлашда кўмак бериш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлари" йўналишларида кичик гуруҳларда амалий ишлар бажарилди.

**М.ИСМОИЛОВ**

---

## Обод юртнинг

### бахтиёр фарзандларимиз

**«Адолат» ёшлари**

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик тизимининг жорий қилиниши жамият тараққиётининг демократик тамойиллар асосида илдамлашига замин яратмоқда. Сиёсий кучларнинг ғоялари хилма-хил бўлсада, бир мақсад йўлида — юрт равнақи учун курашаётир.



Албатта, биз ғоялари ўз ҳаётий қарашларимизга, орзу-интилишларимизга мос партияни танлаймиз. Мен ҳам ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, билим олиши ва касб-ҳунар эгаллаши учун кенг шароит яратиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келаётган, айниқса, ёшларда инновацион фикрлашни ривожлантириш борасида анча тажрибага эга бўлган Ўзбекистон «Адолат» СДПни танладим. Айни вақтда партиянинг Хоразм вилояти Кенгаши қошидаги «Ёш адолатчилар» қаноти фаоллари сафида сиёсий билимларимни ривожлантириш баробарида, партия мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этиб келмоқдаман.

Бугун юртимизнинг барча жойларида — маҳаллалар, қишлоқлар, хонадонларда, ҳар бир юртдошимиз қалбида байрам шукуҳи ҳукмрон. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, ҳудудларда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида адабий-бадиий кечалар, давра суҳбатлари, турли маданий-маънавий тадбирлар ташкил этилмоқда, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказилаётир, янги корхоналар, таълим, маданият, тиббиёт, спорт объектлари фойдаланишга топширилаяпти. Ана шундай хайрли кечаларни ташкил этишда, уларни уюшқоқлик билан ўтказишда Хоразм вилояти партия Кенгаши ҳамда «Ёш адолатчилар» қаноти ҳам фаол иштирок этаётгани, уларда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, халқаро фан олимпиадаси иштирокчиси, бир нечта шеърий тўпламлар муаллифи сифатида маъруза учун кенг ўрин берилаётгани мени янада руҳлантирмоқда.

Хусусан, таълим-тарбия масканларида, меҳнат жамоаларида, қатор маҳаллаларда «Истиқлол — бахтим, саодатим» мавзусида ташкил этилаётган тадбирларимизда Ўзбекистонда ёшларнинг маънавий камолоти йўлида улкан ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилаётгани, навқирон авлодга таълим-тарбия беришнинг мукаммал тизими яратилгани, ёшларимиз эришаётган ютуқларни бугун халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилаётганликлари ўз ҳаётим мисолида маърузалар қилмоқдаман.

Айниқса, Хоразм вилояти партия Кенгашининг Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишланган байрам тантанаси дастурини тайёрлаш менга ишониб топширилгани партия ёшлар иқтидорини ривожлантириб боришдаги тажрибасидан далолатдир.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон «Адолат» СДП юртимизда келажак авлод равнақи йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш баробарида, уларни янада ривожлантириш учун бор имкониятларидан фойдаланаётир. Бу каби эътибор ва эъзоз замирида биз, ёшларнинг истиқболини порлоқ кўриш, ҳаётда бахтиёр ва бекаму кўст яшашимиз ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашга ундовчи улуғвор мақсад мужассам. Зулфияхоним қизлари сафида туриб, айтаманки, бу каби эътибор бизга жуда катта шараф берди.

Келажакда партиянинг ишончини оқлайдиган, унинг ҳаётбахш ғояларига содиқ қолишга ва шу орқали юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишга сўз бераман.

**Дилрабо МАТКАРИМОВА,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Хоразм вилояти Кенгаши




# «МИКРОКРЕДИТБАНК»

MIKROKREDITBANK

**очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси**

*бутун халқимизни*

**МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ БИЛАН**

*муборакбод этади!*



*«Микрокредитбанк» ОАТБ барча юртдошларимизга «Обод турмуш йили» муносабати билан юқори фоизли «ИСТИҚЛОЛ ТУҲФАСИ», «АЁЛ ҚУВОНЧИ», «ТАЛАБА» ва «ҚАЛДИРҒОЧ» номли омонат турларини таклиф этади.*

**«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!**

Хизматлар лицензияланган

## Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши фаоллари

юртдошларимизни, партия фидойиларини мамлакатимиз Истиқлолининг 22 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

22 yil

Қўлга киритилаётган улкан ютуқлар бардавом бўлсин. Келажаги порлоқ юртимиз янада равнақ топаверсин!







Энг азиз, энг улуғ айёмимиз қутлуғ бўлсин!

## «ЎЗПАХТАСАНОАТ»

**уюшмаси жамоаси**

халқимизни энг улуғ, энг азиз байрам — МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ БИЛАН муборакбод этади!

*Истиқлолимиз шарофати билан гуллаб-яшнаётган Она-Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Ўзаро меҳр-оқибат, келажакка бўлган ишонч ва яратувчанлик шижоати сиз азизларни асло тарк этмасин!*

**Мустақиллигимиз абадий бўлсин!**



**ADOLAT**
ижтимоий-сиёсий газета
**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
info@adolatgzt.uz
adolat_gazeta@mail.ru

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МЎМИНОВ.

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували САЙБНАЗАРОВ

**Бўлимлар:** Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — ***288-46-54*** (149); Ахборот, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — ***288-46-64*** (146);

Қабулхона — ***288-42-23***; ***288-46-64*** (141) факс; Котибият — ***288-46-64*** (144).

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

**Навбатчи муҳаррир** — Қ.Қўлдошев. **Навбатчи** — Ғ.Хидиров

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 900. Ҳажми — 6 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9123
Босишга топшириш вақти — 20.45 Босишга топширилди — 23.25
1 2 3 4 5

**Ҳикматлар**

*Ҳар бир гапни ўзгаларга сўзлашдан аввал ўзингга айт.*

***

*Ҳаётда ҳеч нарса машаққатли меҳнатсиз қўлга киритилмайди.*

Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилояти Кенгаши Навоий вилояти Кармана туманидаги 4-умумтаълим мактаб директори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Гулчеҳра Сатторовага падари бузруквори **ҲАЙИТ** отанинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.